Mustaqillik huquq demakdir

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

16 (331)

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

Aprel

D.		5	12	19	26
S.		6	13	20	27
Ch.		7	14	21	28
P.	1	8	15	22	29
J.	2	9	16	23	30
Sh.	3	10	17	24	
Y.	4	11	18	25	

2004

Ёнма-ён кўрсам қувониб, товусдай товланди гул,
Нозик ибо, табассумига маҳтал оловланди гул.
Не қилайки, ҳаёт гули мени банди банд этган,
Паришон ҳолимни кўриб меҳри каловланди гул.

Не учунким бор малоҳат битта Гулга кулган деб,
Санъатига бош эгмайин ёр билан ёвланди гул.
Жон гулим, котиби азал шул Гулни ёзмиш кўнглима,
Десам, ҳасрати чангланиб, кўзима ювланди гул.

Бир қарасанг, алвон-алвон, мисли Раъно сурати,
Бир қарасанг, лола каби баҳри қон доғланди гул.
Кўрк боғида танҳоман деб, солланарди гулзорда,
Мижгонида қатра ёши, бир даста боғланди гул.

Бир томонда баҳор гули, бир томонда Ёр гули,
Ўртада мен чорасизман—рашк ўтида ёнди гул.
Мен дедим: қўй рашкингни, бу жаҳон гулзори кенг,
Бир қалбга икки гул сиғмас, деди—мендан тонди гул.

Ёр кўксига бошин қўйди—чиқди гуллар гул сайрига,
Гул-гулзорга, гулзор гулга бўйлаб яproқланди гул.
Ҳой, гулларим, баҳримдасиз, меҳрингиз жоним жони,
Шоирлик умрим боғида гулдай ардоқланди Гул.

АБДУХОЛИҚ

MUNOSABAT

Мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг ижтимоий, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш, кенг кўламли туб ўзгаришларга асосланган жамиятни қуришга катта аҳамият каратилди. Бунинг самарали натижаси ўлароқ, бозор иқтисодиётининг умумэътироф этилган тамойиллари кундалик турмушимизда ўз аксини топа бошлади. Ўзбекистон истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ собиқ иттифоқнинг бир қатор мамлакатларига ўхшаб «сунъий яратиш» йўлидан эмас, аксинча янги уй қурмай туриб эскисини бузмаслик сиёсатини қўллашдан дадил қадам ташлади. Бу қадам ижтимоий ҳаётда ўзининг аксини топиб, узоқни кўзлаган ислоҳотлар дастурига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жамият ва шахснинг ўзаро ҳамкорлиги ҳаётимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш билан бирга, қоғозбозликнинг барҳам топишига ҳам хизмат қилади.

ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД – ЭРКИНЛАШТИРИШ

Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлигида бошланган маъмурий ислоҳотлар, энди фурсати билан иқтисодиётнинг такомиллашувига тўсиқ бўлувчи турли кераксиз бошқарув омилларига барҳам беришни назарда тутган. Шу ўринда айтиш керакки, маъмурий ислоҳотларга собиқ Иттифоқ республикалари орасида энг биринчи бўлиб мамлакатимизда асос солинди. Бу ислоҳотлар самараси натижасида ***республикамизда ҳар 1000 кишига 6,1 бошқарув ходимлари сони тўғри келади.***

Маъмурий ислоҳотларни бошлашдан кўзланган яна бир асосий мақсад, бошқарувда давлат ролини сезиларли камайтиришдан иборатдир. Бизда бу сиёсат аллақачон амалда бўлса, Россиядек қудратли давлат мазкур ислоҳотларга энди киришишни лозим топди. Хўш, бу ислоҳотлар ижтимоий ҳаётнинг қайси жабҳаларини қамраб олади?

Маъмурий янгиланишлар натижасида аввало ***20 дан ортиқ республика даражасидаги турли уюшма, компания ва бирлашмалар қайта ташкил этилди ёки тугатилди.*** Бу ҳолат кўпроқ қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқларни қамраб олган. Жумладан, илгарилари бевосита воситачилик фаолияти билан шуғулланиб келган «Ўзқишлоқхўжаликкимё» уюшмаси тугатилди. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида кимёвий ўғит тақсимоти билан шуғулланган уюшмада, қишлоқ хўжалигини зарур ўғитлар билан таъминлашда зарур мутаносиблик мавжуд эмас эди. Деҳқон ишлаб чиқаришдан эмас, бевосита ана шу ташкилотдан устама нархларда ўғит олишга мажбур бўларди. Энди эса бу жараён бозор қоидалари асосида биржа ва ярмарка савдолари орқали ташкил этилади. Шунингдек, ***«Ўзпарранда-саноат», «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзбалиқ», «Ўзқоғозсаноат», «Ўзмашсаноат» уюшмаларининг ҳам фаолиятлари жорий йилдан тугатилди.*** Жойларда уларни ривожлантириш истиқболларини белгилаш, эндиликда давлат бошқарувидан маҳаллий органларга берилди.

(Давоми 2-бетда).

JARAYON

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ — ДАВР ТАЛАБИ

ЎЗБЕКИСТОН мустақилликнинг илк кунларидаёқ собиқ тузумни инкор этиб, тараққиётнинг янги тизимига —демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини қуришга киришди. Бу маънавий-маърифий ишларни, ғоявий тарбияни, хусусан, ҳуқуқий тарбияни кучайтиришни талаб қилади.

Ҳуқуқий тарбияни, аввало, талабаларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларини чуқур англаб, тушуниб, улар асосида қонун устуворлигини эътироф этадиган ҳулқ-атворни шакллантиришни ўз ичига олади. Бу тадбирлар Термиз давлат университетида ҳам режа асосида амалга оширилмоқда.

Университетда талабалар билан Сурхондарё вилоят прокуратураси, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, адлия бошқармалари ҳамда суд идоралари ходимларининг учрашувларини ташкил қилганмиз. «Терроризм — инсоният душмани», «Экстремизм нима?», «Огохлик — давр талаби», «Ўз уйингни ўзинг асра», «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзусида ўтказилаётган суҳбатлар талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Яқинда талабаларнинг Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидова билан учрашуви бўлиб ўтди. С.Рашидова омбудсман институтининг фаолияти, 2003 йилда амалга оширилган ишлар, 2004 йилдаги вазифалар ҳақида гапириб, талабаларнинг кўплаб саволларига жавоб берди.

Ҳуқуқий тарбия соҳасидаги ишларни доимий равишда олиб бораяпмиз. Бизнинг фикримизча, бу борада қуйидаги ҳолатларни инобатга олсак, ишимизнинг самарадорлиги янада ошади.

Биринчидан, ҳозирги вақтда аҳолининг маълум қисми, айниқса ёшлар иш билан банд эмас. Бундайларни ҳар бир маҳаллада учратиш мумкин. Имкониятга қараб аҳолини иш билан таъминлаб бориш кўпгина муаммоларни ечишнинг омили бўлур эди.

Иккинчидан, айрим ёшларнинг зарарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига жойларда тарбиявий ишларнинг кўнгилдагидай ташкил этилмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Ғоявий тарбия ҳам, ҳуқуқий тарбия ҳам ёшлар ўртасида комплекс ҳолда, мунтазам олиб борилиши зарур.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбияни олиб бораётган ҳуқуқшунослар, тарбиячиларнинг ўзлари соҳасини яхши билиши, воизлик маҳоратини пухта эгаллаган, ёшларнинг қизиқишларини ҳисобга оладиган инсонлар бўлиши керак.

Х.АЛЛАҚУЛОВ,
Термиз давлат университети ректори

XABAR

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

ТОШКЕНТ вилоят прокуратурасида 2004 йилнинг I чораги якунларига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни вилоят прокурори А. Эргашев бошқариб борди.

Йиғилиш кун тартибидаги масала — жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят прокуратура органларининг қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борган фаолияти юзасидан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Ф. Шайманов ахбороти тингланди.

Йиғилишда мазкур йўналишларда олиб борилаётган ишлар, ютуқ ва муаммолар муҳокама қилиниб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

УШБУ СОНДА:

ЙЎЛГА ТЕРМУЛГАН БОЛАЛАР 3-бет
МЕРОС МОЖАРОЛАРИ 4-бет
ҚАЛБАКИ ПУЛ 7-бет

TAHLIL VA TADBIRLAR

Фарғона вилоят прокуратура идоралари иқтисодиётга оид қонунчилик ҳолатини мунтазам таҳлил қилиб бормоқда. Қонунлар аниқ ва бир хилда татбиқ этилаётган соҳаларда муайян натижаларга эришиляпти. Бунга мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришга оид қонунлар, Президентимиз фармонлари ижросини мисол келтириш мумкин. Аксарият шаҳар ва туманларда хусусийлаштириш жадал суръатларда давом этяпти. Вилоят микёсида ўтган йил мобайнида кўзда тутилганидан бир мунча кўпроқ корхона ва объектлар давлат тасарруфидан чиқарилиб, 82 та корхона ўз эгаларини топди. Бюджетга хусусийлаштириш эвазига режалаштирилгандан кўра 1,9 баравар кўпроқ маблағ туширилди.

ДАВР ТАЛАБИ

ЯНГИЧА ИШЛАШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА...

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори ҳамма жойда ҳам бирдай ижро этилаяпти, деб бўлмайди. Хусусан, Марғилон шаҳрида ўтган йили 4 та объектнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши режалаштирилган эди. Амалда эса улардан иккитасининг мулкчилик мақоми ўзгарди, холос. Шаҳар прокурори ўз қарорининг ижросини таъминламаган шаҳар ҳокимига тақдимнома киритди.

Бағдод туманидаги «Хазиний» ширкат хўжалигининг мансабдор шахслари эса хўжаликнинг қишлоқ хўжалиги техника воситаларини қолдиқ қийматига нисбатан учдан бир баравар арзон нархда сотиб, хўжаликка 2 миллион сўмдан зиёд зарар етказганлар. Жиноят иши судда кўрилиб, айбдорларга тегишли жазо тайинланди.

Чет эл инвестицияларини жалб этиб, замонавий илғор технологияларни келтириш ҳисобига рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш иқтисодий тараққиётнинг муҳим манбаидир. Мамлакатимиз қонунчилигида чет эл сармоясини жалб этишнинг қонуний асослари яратилганига қарамай, бу борада олдинга силжиш бўлмаяпти ҳисоб. Вилоятда қўшма корхоналар, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг ҳажми ва турлари кўпаймаяпти. Амалда рўйхатга олинган қўшма корхоналарнинг тўртдан бир қисмигина фаолият кўрсатяпти, холос. Тегишли идоралар, чунончи, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг вилоят бошқармаси ишламаётган корхоналарнинг тўхтаб қолиш сабабларини аниқлаш, ишни йўлга қўйиш ёки тугатиш масалалари билан жиддий шуғулланмаяпти. Мисол учун 1996 йили ташкил топган Ўзбекистон-Швейцария «Вита-Фарғона», Ўзбекистон-Россия «Омад-АСГ» корхоналари уч-тўрт йилдан буён фаолият кўрсатмаяпти.

Қўшма корхоналарнинг ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш ишдаги ўрни деярли сезилмаяпти. Уларнинг бу борадаги улуши атиги 7,2 фоизни ташкил этади, холос. Шу билан бирга маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ҳам озайиб кетган. «Нур Кон», «Делконс» каби корхоналар режалаштирилган маҳсулотларни чет эл бозорига умуман чиқаришмаяпти.

Хорижий шериклар билан ишлашда тўлов интизомига риоя қилинмаётгани иқтисодиётга жиддий зиён етказмоқда. Экспорт қилинган маҳсулотлар учун тўловлар ортга суриляпти. Жумладан, Фарғона тўқимачилик корхонаси Россиядаги «Залесье» масъулияти чекланган жамиятига ўзаро тузилган шартномага асосан 43,7 минг АҚШ долларилик ип ва газлама жўнатган. Бироқ ҳисоб-китоб тўлиқ амалга оширилмаган, корхонанинг масъул мансабдор шахслари эса харидордан 33,7 минг АҚШ доллари миқдоридаги қарзни ундириш чорасини кўрмаганлар.

Вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан ҳисобланган пахтачиликда контрактация шартномалари бажарилмай қолди. Натижада пахта экспортидан олинадиган даромаднинг бир қисми бой берилди. Ўтган мавсумда ширкат ва фермер хўжаликлари пахта хом ашёсини етказиб беришга оид шартномавий мажбуриятларини 63,6 фоизга адо этишди, холос. Гарчи, жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилиб, пай улушлари ҳисобига ширкат аъзоларининг ишлаб чиқариш натижасидан бевосита манфаатдорлигига эришиш, шу орқали хўжалик иқтисодиётини ривожлантириш мақсади кўзланган бўлса-да, деҳқонлар аслида ҳамон мулкдан бегона бўлиб қолаётганликлари оқибатида пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги ошмаяпти. Иқтисодий ночор ширкат хўжаликлари сони ортиб бораяпти.

Вилоят прокуратураси аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, иқтисодиётни ривожлантириш тадбирларини кўриш юзасидан тегишли прокурорлик таъсир чораларини қўлламоқда.

А.ҲАКИМОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари

PROKURATURA KO`MAGI BILAN

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш каби масъулиятли вазифалар Тошкент вилоят прокуратураси фаолияти мазмунини ташкил этмоқда. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг жойлардаги ижроси устидан прокурор назоратини кучайтириш борасида қилинаётган ишлар шулар жумласидандир.

ЎЗ ИШИГА ТИКЛАНДИ

Маълумки, ходимнинг ишлаб турган жамоасидан ҳеч бир сабабсиз бўшатилиши унда ҳақли эътироз туғдиради. Бундай пайтда фуқаролар мадад сўраб прокуратура эшигини қоқадилар. Масалан, Қибрай тумани прокурорига фуқаро Н. Раеев мурожаат қилиб, «Қибрай сув иншоотлар корхонаси»да 1996 йилдан бери ишчи бўлиб ишлаб келганлиги, уни ҳеч бир сабабсиз ишдан бўшатишганини маълум қилган. Фуқаронинг мурожаати эътиборсиз қолдирилмади.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширувда фуқаро Н. Раеев қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланиб, «Қибрай сув иншоотлар корхонаси» раҳбари томонидан чиқарилган буйруққа протест киритилди ва Н.Раеев ўз ишига тикланган.

Худди шунингдек, Янгийўл тумани прокуратурасига фуқаро Д.Қосимов ариза билан мурожаат этиб, Янгийўл тумани марказий шифохонаси бош шифокори А.Сайфуллаев томонидан бош шифокор ўринбосари вазифасидан ноқонуний бўшатилганлигини билдириб, ўзининг қонуний манфаатларини тиклаб беришни сўраган эди.

Прокуратура томонидан ўтказилган текширувда бош шифокор ўринбосари Д.Қосимовни ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа протест келтирилиб, Д.Қосимов ўз вазифасига тикланган.

Чиноз тумани прокуратурасига «Янги-Чиноз» очиқ турдаги акционерлик жамияти катта назоратчиси Х. Бойназаров уни «Чиноз бозори» ОАЖ раиси И.Қосимов ишдан сабабсиз бўшатганлиги сабабли ишга тиклаб беришни сўраб мурожаат этган.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширувда фуқаро Х.Бойназаров 2003 йилнинг 1 июль куни навбатдаги меҳнат таътилига чиқиш тўғрисида «Чиноз бозори» ОАЖ раиси Қосимов номига ариза ёзганлиги ва И.Қосимовнинг шу кунги 22-сонли буйруғи билан навбатдаги меҳнат таътилига чиққанлиги, 2003 йил 1 август куни меҳнат таътили тугаганлиги сабабли ишга чиқиш тўғрисида мурожаат қилганида у 2003 йилнинг 1 август куни 34-сонли буйруқ билан штат қисқарганлиги сабабли ишдан бўшатилганлиги аниқланган.

Х.Бойназаровни ишдан бўшатиш тўғрисидаги 2003 йил 1 август кунги «Чиноз бозори» очиқ турдаги акционерлик жамияти раисининг буйруғи меҳнат қонунчилигига хилоф равишда чиқарилганлиги сабабли Чиноз тумани прокурори томонидан «Чиноз бозори» ОАЖ раиси И.Қосимовнинг буйруғига протест келтирилиб бекор қилинган ва Х.Бойназаров ўз ишига тикланган.

Олим АБДУАЛИМОВ,
Тошкент вилоят прокуратурасининг бўлим катта прокурори

ATTANG

ФИРИБГАР ҚЎЙГАН ТУЗОҚ

НОГИРОН ҚИЗНИ ҲАЁТДАН ОЛИБ КЕТДИ

Ёрқиной Отажонова муқаддам судланиб, бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазо ижроси фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар кечиктирилган. Афсуски, Ёрқиной қилмишидан тегишли хулоса чиқариш ўрнига янада оғир жиноятга қўл уради.

У одамлардан 800 минг сўм қарз эди. Ҳеч қаерда ишламасди, қарздан қутулишнинг чорасини тополмасди. Кунлардан бир куни унинг дилига шайтон ин қурди. Ёрқиной Урганч шаҳрида яшовчи 2-гуруҳ ногирони Гулнора Каримова билан яқиндан танишиб олиб, уни тузоққа илинтириш йўлларини ахтара бошлайди.

Ўтган йилнинг 25 августида Ёрқиной «Бугун сизни ишқингизда куйиб юрган бир йигит билан таништираман. Тақинчоқларингизни тақиб, чиройли кийимларингизни кийиб чиқинг», — деб қизни ишонтиради. Маккорликда устаси фаранг бўлиб кетган Ё.Отажонова Г.Каримовани алдаб-сулдаб ўз уйига олиб келади.

Ўшанда ёзнинг ҳароратли кунлари эмасми, йўл босиб, томоғи қақраб кетган Гулнора атрофида гирдикапалак бўлаётган дугонасидан сув сўрайди. Ёрқиной худди шуни кутаётган эди. Чунки у тез таъсир қилувчи уйқу дорисини сувда эритиб, тайёрлаб қўйган эди.

Соддадил Гулнора минерал сувни симиради. Шундан сўнг меҳрибон дугона ниқобидаги Ёрқиной: «Энди юрақол, Шовот канали бўйига борайлик. У ерда сенга уйланмоқчи бўлган йигит бизни кутиб турибди», дейди.

Канал бўйига яқинлашганларида Гулнорага уйқу дориси ўз таъсирини кўрсата бошлайди. «Негадир ўзимни ёмон ҳис қиляпман», — дейди чуқур ҳомуза тортаркан у. Ёрқиной эса ўйлаб қўйган режасини амалга ошириш мақсадида: «Тоза ҳавода бир оз ўтирсанг, ҳаммаси ўтиб кетади», — дея уни сув ёқасига олиб борди. Гулнора қиргоққа бориб «дугонаси»га суянганча тошдек қотиб ухлаб қолади.

Ёрқинойга худди шу керак эди. У ногирон қизнинг тақинчоқлари ва кийимкечакларини еча бошлайди. Қизнинг ҳаммаси бўлиб 664 минг сўмдан ортиқ турадиган тақинчоқларини эгаллаб олгач, ўзини эса тўлиб-тошиб оқаётган каналга чўктириб юборади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли жиноят фош этилди. Аёл дея номланмиш улуғ номга иснод келтирган қотил Ё.Отажонова суд ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Раҳматжон ХУСАЙИНОВ,
Хива тумани прокурори

GIYOHVANDLIK — ILLAT

ЁМОНОТЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛМАНГ...

Абсалом Оқтош шаҳридан «Хатирчи» бозорига юк, мол-ҳол ташиб, араваси орқасидан дуппа-дурустгина ризқ-рўзи орттириб юрарди. Нима бўлди-ю, 2002 йилнинг эрта баҳорида бозордан қайтаётиб, Зарафшоннинг Қорадарё аталмиш соҳилига яқинлашганда гоҳи «отни совутадиган» — чўмилтирадиган одат чиқариб қолди. Уни таниган-билганлар ҳайратларини яширолмай, «Нима бало, отни март ойида ҳам чўмилтиришарканми?», «совутиб ўтирибди шекилли» ёки «совутса бошқа жой қуриб кетганми?» деган фикрда ўтиб кетишарди.

Маълум бўлишича, «от совутиб» ўтувчи йигит пайт пойлаб, соҳилдаги киши назари тушмайдиган пахтазорлар орасини юмшатиб «каннабис» уруғини экиб қайтган.

Шу зайл экинни ёз бўйи парваришлаб келган. Ниҳоят кузда ҳосилни йиғиштириб, Оқтошдаги уйига олиб келган.

Касални узоқ яшириб бўларканми? Кунларнинг бирида Абсалом Намозовникига Салим деган йигит келиб, 3000 сўмга обдон тайёрланган марихуана наркотик воситасини харид қилади. Аммо сотувчи энди пулни санаб тугатганида дарвозадан туман ИИБ ходимлари кириб келишди...

Шу кунларда Абсалом қилмиши учун жавоб бераяпти.

Оқтошлик Раиса Султонова ҳам томорқасига «атиги» 100 тип кўкнор экиб, парваришлаётган эди. Энди билса, ёлғиз бошига бир эмас, юз бало орттирган экан. Туман ИИБ ходимлари «Қорадори — 2003» тадбирини ўтказишаётиб, ушбу ҳолатни ҳам ашёвий далиллар асосида ҳужжатлаштиришди.

Иккала ҳолатда ҳам айбланувчилар тергов жараёнида айбига иқрор бўлиб, пушаймон эканликларини баён этишган. Аммо қонун кўз ёшлару, пушаймонга таяниб иш кўроллмайди.

Бизни ташвишга соладиган томони шундаки, кейинги пайтларда таркибида наркотик модда мавжуд бўлган ўсимликларни экиш, парваришлаш тақиқланганлигини билса-да, айрим кимсалар ўзларини ўтга уришаётир.

Бунинг оқибатини бош тошга урилган паллада эмас, олдиндан ўйлаш зарур. Йўқса ёмонотлиқ бўлиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Ботиржон ЮСУПОВ,
Нарпай туман прокурорининг ўринбосари

. (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ИСЛОҲОТЛАРДАН МАҚСАД – ЭРКИНЛАШТИРИШ

Шунингдек, **«Ўзпаррандасаноат», «Ўзозиқовқатсаноат», «Ўзбалиқ», «Ўзқоғозсаноат», «Ўзмашсаноат» уюшмаларининг ҳам фаолиятлари жорий йилдан тугатилди.** Жойларда уларни ривожлантириш истиқболларини белгилаш, эндиликда давлат бошқарувидан маҳаллий органларга берилди.

Жорий йилда давлат ва хўжалик бошқаруви органларидаги ходимларнинг қисқариши натижасида **йилига 40,5 миллиард сўм маблағни тежаш имкони яратилади.** Табиийки, иқтисодқилинган маблағлар ўз ўрнида ижтимоий соҳа ривожига сарфланади. Бундан жамият катта манфаат кўради.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ҳам ҳукумат дастури асосида амалга оширилмоқда. Маъмурий ислоҳотларнинг катта қисми Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги тизимини ҳам қамраб олган. Ислоҳот дастурига мувофиқ, жорий йилда **вазирлик ва унинг қуйи тизимларида 6 мингга яқин штат бирлиги қисқарди.** Бир неча йиллар вазирлик таркибида тақсимот, кўрсатма ҳамда назорат асосида фаолият кўрсатган тармоқлар тугатилди. Энди узоқ вилоятда яшаган деҳқоннинг биргина ем олиш илинжида тармоқ идораларида сарсон бўлишига чек қўйилди. Шунинг учун ҳам деҳқон ва фермерлик ҳаракатининг ривожланиши даврнинг ўзи билан уйғун равишда бу соҳада ислоҳотлар зарурлигини кўрсатди. Зеро, бугун деҳқон эркин. Ўқачон ва қайси пайтда нима экишу, уни қачон йиғиб-териб олиш, ернинг мелиоратив ҳолатини, мутахассисдек анча яхши билади. **«Ҳай баракачи»ларнинг кўплиги унинг қўлини меҳнатдан, режасини хаёлдан қочиради, холос.** Галда соҳанинг агрармоқ истиқболларини белгилаш ва деҳқонга том маънода кўмакчи бўлиш вазифасини бажариши яна ҳам кенгаяди.

Ҳукумат томонидан бошқарув аппарати сонини такомиллаштириш бўйича қўрилган тадбирлар аграр соҳада ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштиришни ҳам қамраб олади. Қонун устуворлиги, шартномавий муносабатлар қишлоқ хўжалигида етакчи ўрин тутади. Аммо, кейинги йилларда соҳага эътиборнинг бир қадар сусайганлиги унинг ривожида маълум муаммоларни юзага келтирди. Шу жиҳатдан «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» имзоланган Фармонда қишлоқда аграр ва иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишга қаратилган қонунлар ва улар асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларнинг оғишмай ижро этилишини таъминлаш, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органлари фаолиятини кучайтириш мақсадлари акс этган. Унга кўра прокуратура органларига бу борада қўшимча штатлар ажратилди. Фармонда президентимиз ва халқимизнинг прокуратурага бўлган ишончи ва эътибори намоён бўлган. Ишонч ва эътиборни оқлаш эса қонун посбонларидан катта куч ва масъулият талаб этади. Бу икки жараён бирлашганда эса муваффақиятга эришиш тезлашади.

Тоҳир САИДБОБОЕВ,
ҳуқуқшунос-журналист

2004 YIL – MEHR VA MURUVVAT YILI

ОИЛАДАГИ МЕҲР БУЛОҒИ

...Онаизор орадан олти йил ўтиб, йўқотиб қўйган, қайта кўришдан умидини узган ўғлини бағрига босди. Қайноқ кўз ёшлари болакайнинг юзларини ювади.

...1997 йил, ёз кунларидан бирида кўзлари жовдираган, юпун кийинган тиланчи болани милиция идорасига олиб келишди. Боланинг яшаш жойи, исми шарифи, ота-онасини аниқлашнинг имкони бўлмади. Чунки... у кар ва соқов эди. Бола Қувасой шаҳридаги махсус кар ва соқов болалар уйига жойлаштирилади. Норасидани ушбу даргоҳга етаклаб келиб жойлаштирган, шу ерда боқиб, кийинтириб, тарбиялаётган одамларнинг қалбини меҳр булоғига қиёслагимиз келади. Зеро, бу каби махсус мактаб-интернатлар, меҳрибонлик ва мурувват уйларида қалби меҳрга тўлиб-тошган тарбиячи-мураббийларгина бегона ўғил-қизлар дилида ҳаётга, инсонларга муҳаббат туйғусини уйгота оладилар.

Етим ва ногирон болалар давлатимиз парваришида, қонунларимиз ҳимоясида. Улар халқ маорифи, ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш тизимидаги мактаб-интернатлар, меҳрибонлик уйларида, соғломлаштириш марказларида тарбияланишяпти. Ушбу муассасаларда таълим-тарбия жараёни, болаларга яратилган ўқиш ва яшаш шароитларини ўрганганимизда, ибратли ишлар билан бирга бир қатор етишмовчилик, камчилик ва нуқсонларга дуч келдик. Фарғона шаҳридаги эмизикли болалар уйида етим чақалоқларни соғлом ўстириш учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Энг муҳими, юқори малакали, касбига садоқатли, меҳр-мурувватли, олижанов врач ва ҳамширалар жон қуйдириб ишлашяпти, чақалоқларни ўз болаларидай парваришлашяпти. Ҳомий корхона-ташкилотлар ёрдамида таъмирлаш, жиҳозлаш каби моддий муаммолар ўз вақтида ҳал этиб бориляпти.

Бироқ, вилоятимиздаги бир қатор мактаб-интернат ва меҳрибонлик уйларида болалар учун яратилган яшаш, таълим-тарбия шарт-шароитлари ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди. Болаларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиб бориш, бемор бўлса, даволаш, соғломлаштириш масалаларида нуқсонлар мавжуд. Айрим муассасаларнинг ўқув бинолари ва ётоқхоналари, ошхоналари таъмирлашга муҳтож. Ётоқхона ва синфхоналарда иситиш тармоқлари тўлиқ ишламайди. Шкафлар, стол-стуллар, ўқув қуроллари эскирган ва етишмайди. Болаларга берилаётган озиқ-овқат ва кийим-кечак таъминотида саховатли корхоналарнинг, мурувватли кишиларнинг хайр-эҳсонлари алоҳида ўрин тутади. Лекин, муассасаларга биркитилган оталиқ корхона ва ташкилотлар ёрдами сезилмаяпти. Текширишлар жараёнида аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан вилоят ҳокимлигига киритган тақдимномамиз муҳокама қилиниб, аҳволни тубдан яхшилашга қаратилган алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Вилоят ҳокимлигининг қарори билан тасдиқланган меҳрибонлик, мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва махсус болалар санаторияларига ҳомийлик ва мурувват ёрдами кўрсатишни мувофиқлаштирувчи дастур асосида кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, маънавий-маърифий ишларни жонлантириш, ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, тарбиячи-мураббийлар малакасини ошириш йўналишларида белгиланган тадбирлар аро йўлда қолмасдан тўкис бажарилса, ота-она меҳридан маҳрум бўлган болалар кўнгли ўксимай ўсиб-улғайишлари учун шарт-шароитлар яратилади. Муҳими, ушбу муассасалар давлат ва жамоатчиликнинг доимий эътиборида, диққат-марказида бўлиши лозим. Уларда тарбияланиб, вояга етаётган болалар жамиятда ўз ўринларини топиб олишлари учун маънавий ва моддий асосларни яратиш зарур. Яхшилар дилида булоқдай тўлиб-тошган меҳр-оқибат етим ва ногирон болалар қалбида эзгулик меваларини етиштиради.

А.НОРМАТОВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ёрдамчиси

Тасодифан бўлса-да, меҳрибонлик уйига йўлингиз тушганми? Кўпчилик бу даргоҳга келиш нари турсин, хаёлининг бир чеккасидан ўтказса, кўнгли зириллайди. Дераза орқидан йўлга термулиб ўтирган болалар... Уларнинг кўнгиллари тубида армон: ким бўлса-да мени уйимга олиб кетсайди. Аммаларим, холаларим, момобувам бағрига босиб-босиб қучсайди. Онамнинг кўксига бошимни қўйиб эртак эшитсайдим...

ЙЎЛГА ТЕРМУЛГАН БОЛАЛАР

Ростдан ҳам оиласи бағрида улғаяётган болалардан уларнинг қаери кам? Нега улар Алпомишни, Гўрўғлини, Жалолиддину Тўмарисни, Ойбарчинни, Қалдирғочни ўз онасидан эшитмай, танимай улғайиши керак?

Яқинда Қашқадарё вилоятида хизмат сафарида бўлдим. Сафардан мақсад вилоят прокуратурасининг меҳрибонлик уйларига эътибори билан танишиш эди.

Қамашидаги 3-меҳрибонлик уйига вилоят прокуратурасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимининг бошлиғи Неъматжон Собиров ҳамда Қамаши туман прокурори Бахтиёр Жўраевлар билан бирга кириб бордик. Бу даргоҳда 87 нафар бола тарбияланади. Ҳаммаси ё отадан, ё онадан жудо бўлишган.

Меҳрибонлик уйида юмшоқ ўйинчоқлар ясаш, тўқиш, каштачилик, мусиқа, моҳир қўллар, ёш рассомлар, спорт, ҳайкалтарошлик тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. «Юлдузча» деб номланган бадиий гуруҳ эса туманда ўтказиладиган миллий байрамларимизнинг доимий қатнашчисидир. 9-синф ўқувчиси Татяна Шестакова барча саҳна либосларини ўзи тайёрлар экан. Директор Шарофат Шаймардонова болаларнинг уқуви баландлигини қувониб сўзлади. Ҳар сафар «Менинг болаларим» деганда мижозларига ёш қалқди.

Китоб туманидаги «Вилоят гўдаклар уйи»га ҳам ташриф буюрдик. Бу ерда 40 нафар бола тарбияланади. Хоналар озода ва шинам, кўзлари жовдираб турган болажонларга қараб кўнглингиз ийиб кетади. Хоналар иссиқ. Бош ҳаким Муҳаббат Бўриеванинг иш кабинетига кирсангиз акси: қиш чилласидек. «Опа, нега хонангиз бунчалик совуқ десам», кулади. «Кабинетда айтарли бўлмайман. Ҳар доим болаларим ёнидаман», дейди жилмайиб. Шарофат опа сингари бу аёлни ҳам қучгим келади. «Опажонларим, бу фидоийлигингизнинг мукофоти бўлади», дегим келади. Биз меҳримиз, муҳаббатимиз учун яратганнан мукофот оламиз. Зеро, бу мукофотдан ортиғи йўқдир.

Навбатдаги манзилимиз Китоб туманидаги 5-меҳрибонлик уйи бўлди. Бу ерда 108 нафар бола тарбияланар экан. Уларнинг кўпчилиги кам таъминланган оилалар фарзандларидир. Каратэ бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган Республика турнирида 3-ўринни эгаллаган Зарина ҳам шу даргоҳда тарбияланади. Унинг кўзлари чақноқ, эртанги кунига ишонадиган қиз.

Гап шундаки, вилоятда барча меҳрибонлик, гўдаклар, ақли заиф болалар мактаб-интернатлари вилоят прокуратурасининг назоратига олинган. Қайси даргоҳга кириб келмайлик, болалар уларни қувониб кутиб олишди. Бирпасда қуршаб олиб, чизган расмлари-ю, ўқиган китобларидан сўзлаб кетишди.

—Вилоятимиздаги 3 та меҳрибонлик уйларида 261 нафар бола тарбияланади. Вилоят прокуратурасида ва 7 та туманда вояга етмаганлар билан ишлаш марказлари фаолият кўрсатаяпти, — дейди вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Мирза Каримов. — 2002 йил вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 165 тани ташкил этган бўлса, ўтган йили 34 тага камайди. Ҳали бу борада жуда кўп иш қилишимиз керак. Китоб туманидаги 5-меҳрибонлик уйида тарбияланаётган қизлар эса раҳбар аёлларга бириктирилган ва бу яхши самара бермоқда. Уларнинг дунёқараши ўсиб боришини, меҳрдан нур ичиб улғайишларини истайман.

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалар учун эзгулик йўлида ташланган ҳар бир қадам эртага ўз мевасини беради.

Қаерда яхши инсонлар бор экан, муҳаббатга, оқибатга муҳтож болалар сира бир четда қолиб кетмайди. Улар ҳаёт гултожидир. Уларнинг ҳар бир қадамидан меҳр гуллари униб чиқаверади.

Гулжаҳон МАРДОНОВА,
журналист

SAVODXONLIK

ПРОЦЕССУАЛ ҲУЖЖАТЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБЛАР, УЛАРДА ЮРИДИК АТАМАЛАРДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШГА ДОИР ФИКРЛАР

Жиноят-процессуал қонунчилиги суриштирув ва дастлабки тергов органларининг жиноятни аниқлашга, яъни ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ҳамда ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлашга қаратилган фаолиятларини фақат қонунда белгиланган процессуал тартиб ва шаклда олиб борилишини талаб қилади.
Процессуал тартиб ва шакл — ўтказиладиган тергов ҳаракатлари ва уларни расмийлаштириш қонун-қоидалари ҳамда нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда олиб борилишидан иборат бўлиб, у жиноят процессининг барча иштирокчилари учун мажбурийдир. Унга риоя қилмаслик жиноят процессида қонуннинг бузилиши ҳисобланади; ҳужжатларнинг юридик хусусиятини йўқотади.

Қонунда кўрсатилган тартибда ва шаклда процессуал ҳужжатларни тузиш суриштирув ва дастлабки терговни қонуний ва самарали олиб боришнинг зарур шартларидан ҳисобланади. Улар содир бўлган жиноятнинг тегишли ҳолатларини, далилларни тўплаш, расмийлаштириш, текшириш ва уларни тўғри баҳолашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Процессуал қонунда суриштирув ва дастлабки тергов босқичида тузиладиган процессуал ҳужжатларга бўлган талаблар аниқ ва муайян равишда ўз аксини топмаган, айрим ҳолларда фақат уларнинг номи ва баъзиларининг реквизитлари (ҳужжатнинг таркибида ёритилиши шарт бўлган элементлар) кўрсатилган, холос.

Процессуал ҳужжат қонуний, асосли, аниқ ва сифатли тайёрланиши учун у қуйидаги талабларга жавоб берадиган даражада тузилиши шарт.

1. Процессуал ҳужжат уни тузишни назарда тутган қонун нормаларига мос келиши керак. Бу талабларга асосан: а) процессуал ҳужжатнинг номи, шакли ва мазмуни мазкур ҳужжатни тузишни назарда тутган қонун нормаларига тўғри келиши лозим; б) башарти қонунда процессуал ҳужжатнинг реквизити кўрсатилган бўлса (масалан, ЖПКнинг 360,361 ва 374-моддалари), процессуал ҳужжатлар шу реквизитларни ўзида тўла ва аниқ акс эттириши керак; в) процессуал ҳужжатда унинг тузилиши назарда тутилган қонун нормасига ҳавола қилиниши зарур.

2. Процессуал ҳужжатнинг мазмуни иш бўйича аниқланган ҳолатларга мос келиши зарур, яъни мазкур ҳужжатда ўз ечимини топадиган масалага тааллуқли, иш бўйича аниқланган, маълум ҳақиқий ҳолатлар тўла кўрсатилиши лозим. Агар иш материалларида қарама-қаршиликлар мавжуд бўлса, процессуал ҳужжатда нима сабабларга асосан баъзи ҳолатлар қабул қилиниб, баъзилари рад этилганлигини кўрсатиш керак. Мазкур процессуал ҳужжатни тузиш зарурлиги иш материалларидан келиб чиқиши керак.

3. Процессуал ҳужжат мантиқий, қисқа ва аниқ бўлиши керак.

Ҳужжатдаги фикр ва хулосалар аниқ, мантиқий жиҳатдан пухта, тушунарли бўлиши, ҳар бир ҳолат аввалгисидан келиб чиқадиган, бирбири билан боғлиқ бўлиши, қарама-қарши фикр ва мулоҳазалар, ҳужжат матнидан келиб чиқмайдиган хулосалар бўлмаслиги лозим.

4. Процессуал ҳужжат саводли ва юқори савияда расмийлаштирилган бўлиши керак. У имло қоидаларига мос ва мантиқан гап боғланиши қоидаларига риоя қилинган бўлиб, ҳозирги замон ҳуқуқий билим савиясига жавоб берадиган даражада юридик саводли тузилиши шарт. Сўзларни қисқартирган шаклда ёзишга йўл қўйилмаслиги, ҳужжат тоза, чиройли ва маданиятли расмийлаштирилиши лозим.

5. Процессуал ва бошқа ҳужжатларни тузишда ўз хусусиятига эга бўлган юридик атамалар (терминлар)дан тўғри фойдаланиш шарт, чунки улардан тўғри фойдаланиш ҳужжатларнинг юридик жиҳатдан аниқ, тушунарли, мазмунли бўлишини таъминлайди.

Афсуски, юридик ва бошқа ҳужжатларни тузишда айрим прокурор-тергов ходимлари, суриштирувчилар томонидан ҳуқуқий тушунчанинг ўзини ифодалайдиган, барчага тушунарли бўлган, расмий равишда қонунларда ишлатиладиган аниқ атамалар ўрнига ноаниқ, керакли муайян маънони эмас, балки кўп маъноли акс эттирадиган атамалардан фойдаланиш ҳоллари давом этиб келмоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, юридик атамалардан тўғри фойдаланишда ёрдам кўрсатиш мақсадида уларнинг амалиётда кўп ишлатиладиган айримлари тўғрисида фикр билдиришни лозим топдик.

1. «Айблов хулосаси» — «Айблаш фикри». Жиноят ишини судга юбориш учун етарли асослар мавжуд бўлганда терговчи (ёки тергов юргизган шахс) томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахс (шахслар)га эълон қилинган айбловни ва ишни прокурорга юборишни асослантирувчи процессуал ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 379-моддасида **«Айблов хулосаси»** деб номланган. Амалиётда кўпчилик ҳолларда тергов ходимлари томонидан, шунингдек баъзи расмий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам мазкур атама ўрнига қонунда назарда тутилмаган **«Айблаш фикри»** атамасидан фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 20 декабрдаги 37-сонли қарорининг 5-бандида **«Айблаш фикри»** атамаси ишлатилган.

Фикримизча, процессуал ва бошқа ҳужжатлар, мақолалар, маърузаларда **«Айблаш фикри»** атамаси эмас, қонунда белгиланган тарзда **«Айблов хулосаси»** атамасидан фойдаланиш керак.

(Давоми келгуси сонда).

Абдулла ДАВЛЕТОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист,
3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси, доцент

TURMUSH CHORRAHALARIDA...

Ҳаёт ҳар доим ҳам бир текис давом этавермайди. Гоҳида тақдир охири йўқ сўқмоқларда саргардон қилса, гоҳ баланд чўққига кўтариб, сизни ҳаммага кўз-кўз қилар экан. Ҳаётда инсон кўп бора келишмовчиликка, муросасизликка дуч келади. Баъзан бундай ҳол узоқ давом этиб, судлашишгача бориб етади. Лекин якин қариндошларнинг судлашгани... Кейинги пайтларда мерос муаммоси жуда мунозарали масалалардан бўлиб қолмоқда. Эътиборли томони шундаки, мерос бизга эндигина кириб келган янги тушунча эмас. Мерос қолдириш, уни таксимлаш қадимдан мавжуд. Лекин шуниси ачинарлики, мерос талашиб судга мурожаат қилаётган якин қариндошлар сони ортиб бормоқда. Фарзанд учун ота-онани рози қилиб яшаш энг катта бахт ҳисобланади. Буни ҳеч ким инкор этолмайди. Ҳатто шуниси ҳам борки, ота-онасини рози қилолмаган фарзанд бу дунёда рўшнолик кўрмайди. Ҳар қандай ота-она фарзандларига, агар фарзанди бўлмаса якинларига мерос қолдиради. Уни қабул қилиб олиш, эгалик қилиш масаласи эр ёки хотин, ота-она билан болалар, тоға-жиян ёки бошқа туғишганлар учун жиддий синов даври бўлади. Одатда буни тушунган меҳр-оқибатли, инок, яхши тарбия кўрган фарзандлар, қариндош-уруғлар қолдирилган меросинг қадрига етиб, асраб-авайлашади. Ҳатто бир-бирига илинишади. Аммо бунинг аксини қилаётганлар ҳам йўқ эмас.

МЕРОС МОЖАРОЛАРИ

ЙИГИРМА ЙИЛДАН БУЁН ЭГАСИНИ ТОПМАГАН МЕРОС

Меросхўр йўқдирки, шунча вақтдан буён мерос эгасини топмаётган бўлса деб ўйлайдиганлар бўлиши мумкин. Лекин аҳвол бошқача. Меросга даъвогарлик қилаётганлар бир эмас, балки бир нечтадир. 1977 йили Андижон вилоятининг Шаҳрихон шаҳрида яшовчи Олимжон Албеков вафот этгач, унинг олти хонали уй-жойи, ҳовлиси хотини ва болаларига қолади. Аммо у вафотидан олдин уй-жойни бирон кишига васият қилиб қолдирмайди. Натижада она ва бир фарзанд ўртасида мерос масаласида келишмовчилик келиб чиқади. Марҳумнинг хотини Зайнаб Албекова ва кенжа фарзанд Фарид Албековларнинг мурожаатидан сўнг Шаҳрихон шаҳар ижроия қўмитаси бу уй-жойга эгалик ҳуқуқини ойдинлаштириб, 1981 йил 8 июнда Ф. Албековнинг эгалик ҳуқуқини тасдиқлаб қарор чиқаради. Турган гапки, З. Албековага ва қолган уч фарзандга бу қарор ёқмайди. Шундан кейин икки томон ҳам меросга ойдинлик киритишни сўраб давлат идораларига кўп бор мурожаат қилишади. Бир қарор чиқарилиб, Зайнаб Албекованинг даъвоси қондирилган бўлса, бошқа бир қарор Фарид Албековнинг фойдасига чиқарилади. 1997 йил 31 январда мерос бўйича Шаҳрихон шаҳар ҳокимининг яна бир қарори чиқарилди. Қароргa биноан марҳум Олимжон Албековнинг хотини ва уч фарзандига мунозарали ҳовлининг 3 хонаси, Фарид Албековга 3 хонаси учун эгалик ҳуқуқи тикланади. Лекин бу қарор ҳам икки томонни қаноатлантирмайди.

Фарид Албеков судга ариза бериб, ҳозир яшаб турган уй-жойнинг қурилиши отаси тириклигида бошланганини, лекин тугалланмай қолиб, вафотидан кейин қурилишни охирига етказиш учун кетган барча харажат унинг ҳисобидан бўлганлигини таъкидлайди. Отасининг вафотидан сўнг уй менга қолади деб отасининг омонат дафтарчасидаги пул ва «Жигули» автомашинасини онасига мерос сифатида расмийлаштиришга рози бўлиб ариза берганлигини айтади. Уйни қуришда акалари ва опасининг ҳеч қандай ёрдами тегмаганини кўрсатиб, суддан уйга бир ўзининг эгалик ҳуқуқини тиклашни сўрайди.

Зайнаб Албекова ҳам бу қарордан норози бўлиб, уйни бўлиш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Иш Андижон вилоят судларида бир неча марта кўрилган. Кейинчалик Наманган вилоят судининг 1997 йил 14 октябрдаги қарори билан Зайнаб Албекованинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилган. Низоли уйнинг 1/3 қисмига Фарид Албековнинг эгалик ҳуқуқи тикланиб, 2/3 қисми ота-онасининг умумий мулки деб эътироф этилган. Суд қарори бўйича низоли жойнинг ҳовлисига девор тортиш, хоналардаги эшик ўринларини алмаштириш мажбурияти Фарид Албековга юклатилган. Лекин маблағи етмаганлиги боис у қурилишни охирига етказолмаган. Шундан кейин ҳам Зайнаб Албекова ва қизи Зайтуна Албековалар илгариги суд қарорларидан норози бўлиб, давлат идораларига кўп бор, жумладан Бош прокуратурага 24 марта мурожаат қилишган. Буни қарангки, 1999 йилга келиб 20 йилдан буён давом этиб келаётган низоли уй-жой устидаги тортишув бироз барҳам топгандек бўлди. Хўш, нима учун? Даъвогар Фарид Албековнинг таъкидлашича, онаси Зайнаб Албекованинг вафотидан кейин бошқа меросхўрлар низоли хонадоннинг онасига тегишли қисмини талаб қилиб келмаган. Шу ўринда опаси Зайтуна Албекованинг ҳам уйнинг ўзига тегишли қисмида яшашига қаршилиги йўқлигини айтиб ўтган. Лекин узоқ йиллар бери тинмаган иш она вафот этгандан кейин опа ва ука ўртасида давом этиб келмоқда.

Шу ўринда кишини ўйга толдирадиган жиҳатлар кўзга ташланади. Узоқ йиллар Фарид Албеков онаси билан нимани бўлишолмади? Наҳотки мол-мулк деб киши ўз онаси билан юзкўрмас бўлиб кетиши мумкин бўлса? Ахир қайси она ўз зурриёдига ёмонликни тилайди?

ЎГАЙГА МЕРОС ЙЎҚМИ?

Фуқаро О.Воисов турар-жойларининг барчасини турмуш ўртоғи Т.Рўзметовага васият қилиб қолдирган. Лекин О.Воисов васиятномани нотариал тартибда расмийлаштириш даврида ўзбошимчалик билан қурилган, яъни давлат рўйхатидан ўтмаган, фарзандлари оиласи билан яшаб келаётган уйларни ҳам васиятномага киритиб юборган. Аслида у васиятномани расмийлаштираётган пайти турмуш ўртоғи билан фарзанди С.Воисов ва келини Г.Султоноваларнинг муносабати яхши эмаслигини, ўртада уруш-жанжал бўлиб келаётганини билган. Шундай бўлса-да, бу келишмовчиликларга барҳам берувчи эмас, ўртадаги низони кучайтирувчи васиятнома қолдирган. Оқибатда васиятга кўра меросни қабул қилиб олган Т.Рўзметова фарзандини оиласи билан уйдан чиқаришни сўраб судга ариза берган. Шу ерда ўқувчи бироз ўйга толиши мумкин: қайси она ўз ўғлини фарзандлари билан кўчага ҳайдайди? Гап шундаки, С.Воисов бутун ҳаёти давомида ота-онаси меҳрини қозонаолмаган, улар олдидаги фарзандлик бурчини буткул унутган. Шунинг учундир, О.Воисов меросни ўғлига қолдиришдан кўра хотини Т.Рўзметовага қолдиришни афзал билган. Аммо С.Воисов васиятномани бекор қилишни сўраб судга ариза беришдан чарчамаган.

Ишни атрофлича кўриб чиққан фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди 2002 йил 29 сентябрда томонларнинг талабини қисман қаноатлантириб қарор чиқарган. Унга кўра уй-жой бўлиб берилиб, С.Воисов оиласи билан яшаб келаётган, давлат рўйхатидан ўтмаган уй ўзларида қолдирилган. Шу кундан бошлаб она ва бола суд қароридан қониқмай уй-жойни талашиб келишган. Она яна бир неча марта судга мурожаат қилган. 2003 йил 31 январда фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция инстанцияси томонидан иш қайта кўрилиб, олдинги қарор бекор қилинган. С.Воисов оиласи билан яшаб келаётган иморатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун туман ҳокимиятига мурожаат қилиши лозимлиги тушунтирилган. Турган гапки, С.Воисовни суднинг бу қарори ҳам қаноатлантирмаган ва Республика Бош прокуратурасига мурожаат қилган. Прокуратура томонидан васиятномани расмийлаштиришда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланади. Жумладан, иш материалларига кўра жавобгарлар С.Воисов ҳамда Г.Султонова ўзларининг қарши даъвосида Т.Рўзметова номига берилган васиятномадаги имзо марҳум О.Воисовга тегишли эмаслиги, васиятнома унинг ўлимидан сўнг расмийлаштирилганлигини кўрсатиб, хатшунослик экспертизаси ўтказилишини сўраган. Шунингдек, васиятномани расмийлаштирган нотариус судга жалб қилинмаган. Лекин суд бу жиҳатларнинг ҳаммасини эътиборсиз қолдирган. Шунинг учун Республика Бош прокуратураси томонидан Хоразм вилоят суди қарорига протест келтирилган.

Ёки бошқа бир мерос низосини олиб кўрайлик. Самарқанд шаҳрида истиқомат қилган Муқаддам Азизова ҳовли-жойини кичик синглиси Муҳтабар Азизовага васият қилиб қолдиради. Вақти-соати етиб, сингил уйни ўзининг номига расмийлаштириш учун шаҳар ижроқўмига борганида у ердагилар опа-сингилларнинг отаси — таниқли ҳофиз Абдулазизҳожи Абдурасуловнинг номини абадийлаштириш мақсадида уйни музейга айлантиришни билдиришган. Муҳтабар Азизова эса бундан хурсанд бўлиб, доимий яшаш жойи — Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрига кетади. Анча вақт ўтиб, отасининг уй-музейини кўриш учун келганида бу ерда опаси Муҳтарам Азизова қизи билан яшаётгани маълум бўлади.

Муҳтарам Азизова 1991 йил 10 сентябрда уй-жойга бошқа меросхўр ҳам борлигини нотариусдан яшириб, низоли уйни мерос сифатида қабул қилиб олган ва 1997 йилда қизи Гулчеҳра Расуловага ҳадя қилиб берган. Айтилган музейдан эса ном-нишон йўқ эди. Шундан кейин Муҳтабар Азизова меросга эгалик ҳуқуқини тиклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Сиёб туман судига мурожаат қилади. Лекин 2000 йил 18 августда суд даъвони кўриб чиқиб, рад этади.

Шундан кейин даъвогар суд қароридан норози бўлиб, юқори турувчи давлат идораларига мурожаат қилади. Республика Бош прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан ушбу иш атрофлича ўрганилганда айрим муҳим жиҳатлар эътибордан четда қолгани ва суд қарорлари шошма-шошарлик билан чиқарилгани маълум бўлди. Хусусан, суд қарор чиқаришда ишни бир тарафлама кўрган, иш ҳолатига ойдинлик киритувчи ёзма далилларга қонуний баҳо бермаган. Бундан ташқари Муқаддам Азизова ҳаётлик чоғида, яъни 1979 йил 4 апрелда Самарқанд шаҳар давлат нотариуси орқали мол-мулкини даъвогар номига васият қилган ва у 5719-реестр билан расмийлаштирилган бўлса-да, лекин ушбу нотариал идора васиятнома борлигини била туриб, жавобгар Муҳтарам Азизовага низоли уйни мерос сифатида расмийлаштириб берган. Суд эса нотариуснинг бу ғайриқонуний ҳаракатига қонуний баҳо бермаган. Юқоридагилардан хулоса қилиб, ишни қайтадан кўриш учун фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судига протест келтирилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, оилада, қариндош-уруғлар ўртасида меҳр-оқибат бўлса бу каби тортишувларга ўрин бўлмайди. Шундай экан меҳр-оқибатли бўлайлик, инсоф, диёнат доимо ҳамроҳимиз бўлиб қолсин.

Умурзоқали БЕРДИЕВ,
Республика Бош прокуратураси бўлими бошлиғининг ўринбосари

«HUQUQ» ИЙ маслаҳатхона

E-mail: Info@huquq.uz 133-26-62, 133-98-82

IMTIYOZDAN FOYDALANISHIM MUMKINMI?

Мен 1965 йилнинг сентябрь ойидан 1975 йилнинг июнь ойига қадар мактабда ўқитувчи бўлиб ишладим. 1975 йили эса «Уллубоғ» овул кенгашига депутат этиб сайланиб, котиб лавозимида 1993 йилга қадар хизмат қилдим. Бу лавозимга саккиз марта сайландим. Аввалги қонунларга кўра, фуқаро сайлов йўли билан бошқа лавозимга ишга ўтганида олдин ишлаган иш стажи сақланар эди.

2003 йили Президент фармони асосида ўқитувчиларга коммунал хизматлар учун компенсация тўлови жорий қилинди. Лекин бу менга нисбатан татбиқ қилинмади. Сабаби, менинг ўқитувчилик стажим 9 йилу 10 ой 12 кун бўлиб, бир ойдан сал кўпроқ вақт етишмас экан. Менинг овул кенгашида ишлаган даврим ўқитувчилик стажига кирмайдими?

Amangeldi ANNABERDIYEV,
To'rtko'l tumani «Ullubog'» shirkat xo'jaligi

Сизнинг овул кенгаши котиблигида ишлаган даврингиз педагогик стажга кирмайди. Чунки бу даврда сиз ўқитувчилик қилмагансиз. Қолаверса, Меҳнат кодексининг 69-моддасига кўра, сайлаб қўйиладиган бошқа лавозимга ўтган ходимнинг ваколат муддати тугаши билан аввалги иши берилади, холос.

Республика Президентининг «2003 йил 1 апрелдан бошлаб коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация тўловини жорий этиш тўғрисида»ги фармонида эса ўқитувчи бўлиб ишлаган ходимнинг педагогик стажи камида ўн йилни ташкил этиши шартлиги қайд этилган.

Шунингдек, амалдаги қонунларда сайлаб қўйиладиган органларда хизмат қиладиган шахсларга коммунал хизматлар тўлови юзасидан бирон-бир имтиёз назарда тутилмаган.

O'ZGARUVCHAN OYLIK

Мен кўп тармоқли фирмада экспедитор бўлиб ишлайман. Ойлик маошим эллик минг сўм атрофида. Бундай дейишимга сабаб, ҳар ойда бу миқдор ҳар хил бўлади. Мана шу масалада кўпинча бош ҳисобчимиз билан тортишишга тўғри келяпти. Чунки ойлик маошим аниқ бўлса, фақатгина мукофот берилганда у ўзгариши мумкин. Лекин нима бўлганда ҳам даромад солиғи бир хилда ушланиши керак эмасми?

L.RAHIMOV,
Toshkent shahri Mirobod tumani

Даромад солиғининг ушланиши олаётган маошингизнинг миқдорига боғлиқ. Масалан, сизнинг маошингиз энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошадиган бўлса, унда ана шу сумманинг ўттиз фоизи миқдорида даромад солиғи ундирилади (Солиқ кодексининг 55-моддаси). *Агар маошингиз энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача бўлган миқдорни ташкил этса, унда даромад солиғи ушбу сумманинг йигирма бир фоизи миқдорида ундирилади. Шу билан бирга ушбу миқдор йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида ҳисобланади.*

KIM HAQU, KIM NOHAQ?

Шу йилнинг 2 февраль куни шахсий автомашинамда «Беруний» метро бекати яқинида, кўчанинг четида қизимни кутиб турган эдим. Бу ерда бошқа машиналар ҳам тўхтаб турган эди. Орадан ўн дақиқалар ўтгач, милиция формасидаги икки киши келиб менинг ҳужжатларимни сўрашди. Уларнинг фикрича, мен рухсат этилмаган жойда тўхтаган эмишман. Шунинг учун жарима тўлашим кераклиги, акс ҳолда баённома тузилишини айтишди. Жарима тўладим. Лекин пул тўлаганлигим ҳақида ҳеч қандай ҳужжат беришмади. Суҳбат чоғида улардан бирининг кўксида 0434-рақамли белгини кўрган эдим (нозир ўзини Иноятов деб таништирган). Шундан кейин у 10 S 1829 рақамли «Тико»га ўтириб кетиб қолди. Эртаси куни ДАН ходимларидан суриштирсам бундай ходимлар улар билан ишламаслигини айтишди. Бу ҳолатда ким ҳақу, ким ноҳақлигини билмай қолдим. Шунга аниқлик киритишда маслаҳат сўрайман.

A.SULAYMONOV,
Toshkent shahri «Ibn Sino» dahasi

Аввало сиз ҳақиқатан ҳам қоидабузарликка йўл қўйган ёки қўймаганлигингизга аниқлик киритиб олинг. Ундан сўнг содир бўлган ҳодиса ва ўзини ДАН ходими деб таништирган ходимларни аниқлаш ҳамда тегишли чора кўришни сўраб Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига мурожаат этсангиз бўлади.

XOLIS O'ZI KIM?

Қонунда холис деб кимлар айтилади ва битта фуқаро бир ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида неча марта холис сифатида қатнашиши мумкин? Ўзбекистонда холис мутахассис тайёрлайдиган ўқув юрти мавжудми?

Anorxon ISROILOVA,
Yangiyo'l shahri «Kirpichniy» ko'chasi 15-uy

Киши холис сифатида фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар (гувоҳлантириш, кўздан кечириш, мурдани эксгумация қилиш, мол-мулкни хатлаш, таниб олиш учун кўрсатиш, тергов эксперименти ўтказиш ва ҳ.к.) ўтказилганини тасдиқлаш ва ушбу жараён натижасини тасдиқлаш учун жалб этилади. Бунда холисдан мазкур жараённинг бошидан охиригача қатнашиш талаб қилинади. Қонунда муайян холиснинг неча марта тергов ҳаракатларида иштирок этиши лозимлиги аниқ белгиланмаса-да, муайян тергов ҳаракатида фақат бир марта жалб этилиши назарда тутилади. Агар суд муҳокамасида тергов ҳаракатлари бўйича турли шубҳа ёки тушунмовчилик пайдо бўлса, у ҳолда шу тергов ҳаракатларида иштирок этган холис мажлисга чақирилиши ва гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши мумкин.

Ўзбекистонда бундай ўқув юрти мавжуд эмас.

Холис сифатида жараёнда қатнашиш ва жиноятнинг очилишига кўмаклашиш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

BOLANING FAMILIYASI QANDAY BO'LISHI KERAK?

Яқинда оиламизда учинчи фарзанд туғилди. Оилавий келишувга кўра унга миллий анъаналар бўйича фамилия бермоқчи бўлиб ФҲДЁ органига мурожаат этганимизда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани биз айтган исм бўйича бериш мумкин эмаслигини айтишди. Ваҳоланки, паспортимдаги фамилиям ҳам миллий урф-одат бўйича ёзилган. Мен ана шу йўсиндаги фамилияни ўғлимга беришга ҳақлиманми?

Zufar BOTIR o'g'li,
Toshkent shahri

Оила кодексининг 69-моддаси талабига кўра, боланинг фамилияси ота-онанинг ўзаро келишувига мувофиқ берилади. Бунда фамилия уларнинг хоҳиши билан миллий анъаналарга амал қилган ҳолда бобонинг исми бўйича берилиши мумкин. «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг 15-моддасида айтилишича, миллий-тарихий анъаналарга амал қилган ҳолда фамилия ўрнига бола отасининг исми ҳам ёзилиши мумкин.

«Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилишига йўл қўйилади. Фуқаролик ҳуқуқларини шахснинг ўзи ҳимоя қилиш усуллари ҳуқуқни бузишга муносиб бўлиши ҳамда ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасидан чиқиб кетмаслиги керак».

(Fuqarolik kodeksining 13-moddasi)

HAYDOVCHINING IMTIYOZI

Мен 1963 йили нон комбинатида нон пиширувчи шогирд вазифасида меҳнат фаолиятимни бошлаганман. 1964-1967 йилларда ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, ҳайдовчилик қила бошладим. 1982 йилдан Чуст шаҳар транспортида автобус ҳайдовчиси бўлиб 2003 йилнинг октябрь ойигача ишладим. Ҳозир автотаъмирловчи бўлиб ишлаяпман.

Мен мана шу қирқ йиллик меҳнат стажим билан имтиёзли равишда нафақага чиқишим мумкинми?

X.XALILOV,
Chust shahri «Paxta» ko'chasi 54-uy

Агар сизнинг Чуст шаҳар транспортидаги меҳнат фаолиятингиз шаҳар йўловчи ташиш транспорти ҳайдовчилигига тўғри келса, унда умумий белгиланган (эркаклар 60 ёш) беш йилга қисқартирилган ҳолда, яъни 55 ёшда нафақага чиқиш ҳуқуқига эгасиз.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Хусусий корхона мулкдори мувақкат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

«Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддаси

PULINI QANDAY TO'LAYMIZ?

Мен шифохонада иқтисодчи бўлиб ишлайман. Шифохонамизда бундан ўттиз йил олдин ўрнатилган вентиляция ускуналари мавжуд. Лекин улар саккиз йилдан бери носозлиги туфайли ишламайди. Яқинда уни ишга солиш ниятида бир фирма билан шартнома тузмоқчи бўлганимизда арзимаган кичик бир эҳтиёт қисмни алмаштириш учун уч миллиондан ортиқ суммани сўради. Биз бунга рози бўлмасдан бошқа бир одамни топиб, эллик мингга тузатдик. Энди ушбу ускунанинг доимий ишлашини назорат қилиб бориш мақсадида штатга эмас, балки ёллаган ҳолда ишга олмоқчимиз. Аммо қонун бўйича бунинг бирон иложини қилолмаяпмиз. Нима қилсак бўлади?

A.SHIPALOVA,
Toshkent shahri Chilonzor tumani

Сизга хизмат кўрсатувчи шахс билан меҳнат муносабатларини йўлга қўймоқчи бўлсангиз ва у жисмоний шахс бўлса, Фуқаролик кодексининг 38-бобида белгиланган тартибда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси тузишингиз мумкин. Агар кўрсатиладиган хизмат лицензиялашиш лозим бўлса, у ҳолда тузилаётган шартномага ушбу лицензиянинг нусхаси илова қилиниши лозим.

Мазкур шартнома бўйича унга ҳақ тўлаш чоғида эса қонунда белгиланган ажратмалар ва даромад солиғи ушлаб қолинади.

SOLIQDAN OZOD ETILADIMI?

Бугунги кунда республикамизда юз хилдан ортиқ газета ва журнал чоп этилаяпти. Айниқса газеталарнинг сони кундан-кун кўпайиб боряпти. Айтинг-чи, ушбу фаолият билан шуғулланаётган таҳририятлар ўз газетасини сотгани учун қўшимча қиймат солиғи тўлайдими?

K.SHAROPOV,
Toshkent shahri

Газета ва журнал таҳририятлари ўз маҳсулотини реализация қилганликлари учун қўшимча қиймат солиғи солинмайди (Солиқ кодексининг 71-моддаси). *Шунингдек, бундай тартиб нашриётлар, матбаа ва китоб савдоси корхоналари, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, шунингдек Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг асосий фаолиятига доир маҳсулотлари ва хизматларига нисбатан татбиқ қилинади.*

QOLIB KETGAN MAHKUM

Турмуш ўртоғим 2003 йилнинг июль ойида жиноят содир этиб, олти йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Бу тўғрида суд ҳукми чиққанига тўрт ой бўлди, лекин ҳалигача жазони ўтовчи жойга юборишгани йўқ. Бунинг сабаби нимада? У шу ерда қолиб кетиши ҳам мумкинми?

N.SHARIPOVA,
Qo'qon shahri

Агар турмуш ўртоғингизнинг жиноятн қасддан ва биринчи марта содир этилган бўлса, алоҳида ҳолларда унинг ёзма розилиги ҳамда жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг қарорига кўра хўжалик хизмати билан боғлиқ бўлган ишларни бажариш учун тергов ҳибсхонаси ёки турманинг ўзида қолдирилиши мумкин ***(ЖИКнинг 53-моддаси).***

AGAR RO'YXATDA TURMASANGIZ...

Мен шифохонада қоровул бўлиб ишлайман. Кейинги вақтларда тез-тез касал бўлиб қолаяпман. Бунга айниқса қишнинг аёзли кунлари таъсир қилаяпти. Шунинг учун баъзан беш-олти кун ётиб даволанишга тўғри келди. Яқинда бетоб бўлиб ишга келмаган кунларимга касаллик варақасини олиб келиб бердим ва бош ҳисобчимиздан шу кунларга иш ҳақи тўлиқ тўланадими деб сўрасам, у олтмиш фоиз тўланади деди. Нега бундай десам, буни мен ўйлаб топганим йўқ дейди. Қонун бўйича ҳақиқатан ҳам шундайми?

Komil NURMATOV,
Andijon viloyati

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 февралдаги «Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходимнинг умумий иш стажига қараб олтмиш, саксон ва юз фоизгача бўлган миқдорда тўланади. Лекин бунда ходимнинг қайси тоифага мансублиги ҳам ҳисобга олинади. Масалан, сиз ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил, онкологик касалликлар ва ҳ.к.) бўйича рўйхатда турмасангиз ва умумий иш стажингиз беш йилдан ортиқ бўлса меҳнатга қобилиятсизлик даври учун иш ҳақингизнинг саксон фоизи тўланади.

BIR TERGOV TARIXI

2002 йил 4 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан «Ўзнефтигазқазибчиқариш» акционерлик компаниясининг «Ишлаб чиқаришни техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси» унитар корхонаси ҳамда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» шўъба унитар корхонасининг масъул мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилади.

Ҳеч қаерда ишламайдиган Баҳодир Ҳамдамов, «Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг адлия бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Т.Муҳаммадиев, ушбу корхонада директор ўринбосари бўлиб ишлаган Бойиркул Бўриев, бош ҳисобчиси Эгамназар Жўраев, корхона директори Барака Рустамов ҳамда ҳеч қаерда ишламайдиган Машраб Каримовлар айбланувчи сифатида ишга жалб этиладилар.

ЖИНОЙИЙ ГУРУҲ

ФАОЛИЯТИ ФОШ ЭТИЛДИ, АЪЗОЛАРИ ҚОНУН ОЛДИДА ЖАВОБ БЕРИШДИ

Жиноий гуруҳ ташкилотчиси Б.Ҳамдамов илгари «Муборак газни қайта ишлаш заводи» шўъба унитар корхонасида ишлаган. Корхона, унинг иқтисодий имкониятларидан яхши хабардор бўлган. Шу сабабли бу улкан завод орқали «кўп ишлар қилиб юбориш» фикри унинг хаёлини тарк этмасди.

Б.Ҳамдамовнинг танишларидан бири Бухоро вилоятидаги «Когон илмий ишлаб чиқариш» корхонасига раҳбарлик қиларди. Кунлардан бирида икки оғайни учрашиб қолишади. Ўзаро суҳбат давомида «Муборак газни қайта ишлаш заводи» хусусида ҳам гап кетади. Б.Ҳамдамов ўртоғига завод билан кўп «ишлар» қилиш мумкинлигини уқтиради. Гапнинг индаллоси, «ҳожатбарор» ўртоқ «Когон илмий ишлаб чиқариш» корхонаси билан «Муборак газни қайта ишлаш заводи» ўртасида товар-моддий бойликларни етказиб бериш тўғрисида олди-сотди шартномаси туздириб беришга ваъда беради.

Шундан сўнг Б.Ҳамдамов «қайдасан, Муборак» дея йўлга тушади ва бир пайтлар ўзи меҳнат қилган заводни «зиёрат қилади». У бу ерда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» шўъба унитар корхонасининг иқтисодий ишлар бўйича директор ўринбосари Бойиркул Бўриев ва адлия бўлими бошлиғи Тошпўлат Муҳаммадиевлар билан учрашади. Бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Б.Ҳамдамов ҳар иккала амалдорнинг ҳам иштаҳасини қитиқлаб қўяди. Хуллас, томонлар келишувга эришадилар. Икки корхона ўртасида шартнома имзоланади. Ҳисоб-китобни амалга ошириш «оплата производство на праву уступку» усулида бўлиши шартномада қайд этилади ва буни Б.Бўриев ҳамда Т.Муҳаммадиевлар имзолари билан тасдиқлаб берадилар. Иши битганидан боши осмонга етган Б.Ҳамдамов 60.489.913 сўмлик шартномани қўлтиққа қистирганича Когонга қайтади.

Бизнесда ҳамкорликни ривожлантиришнинг энг муҳим йўли ўзаро ишончдир. Буни Б.Ҳамдамов ҳам жуда яхши биларди. Шу сабаб у «ҳамкорлари»га берган ваъдасининг устидан чиқишга киришади. 2000 йил апрель ойида Б.Бўриевга ҳар бирининг нархи 16 минг сўмдан бўлган 50 дона юмшоқ стул, ҳар бирининг баҳоси 308 минг сўмдан бўлган 6 дона «Бинафша» мебеллар йиғмасини ва 2 дона беш метрлик жигарранг стол, Малайзияда ишлаб чиқарилган 3 дона стол, 2 комплект диван-кресло ва 1 комплект йиғиштириладиган диван-кресло «совға» қилади. «Катта»ни уриндириб қўймаслик учун, мебелларни барчасини бир «КаМАЗ»га юклаб, унинг Карлик қишлоғидаги уйига олиб бориб беради.

Шундай қилиб, «ҳамкорлар»дан бирининг кўнгли овланади. Энди юридик бўлим бошлиғи Т.Муҳаммадиевни «рози» қилиш қолганди. Б.Ҳамдамовнинг елиб-югуришлари натижасида у ҳам қуруқ қолмайди. Юридик бўлим бошлиғига Японияда ишлаб чиқарилган, ҳар бирининг нархи 550 минг сўмдан бўлган икки дона «SONY» мусиқа маркази, донаси 16 минг сўмдан бўлган 20 та юмшоқ стул ҳадя этилади. «Камига мана буларни олиб қўясиз» деб 600 минг сўм ва 2000 АҚШ доллари қистирилади.

Оқибатда, «Муборак газни қайта ишлаш заводи» билан «Когон илмий ишлаб чиқариш» корхонаси ўртасидаги ҳисоб-китоблар «ён бериш» шартномаси ёки пул ўтказиш йўли билан эмас, ҳукуматнинг амалдаги қарорларига зид равишда товар-моддий бойликлар билан амалга оширилади. Яъни бартер йўли билан «Когон илмий ишлаб чиқариш» корхонасининг 57.301.460 сўмлик етказиб берган товар-моддий бойликлари учун 45.817.075 сўмлик товар-моддий бойликлар берилган.

Шундай қилиб, Б.Ҳамдамов билан Б.Бўриев ва Т.Муҳаммадиевлар ўртасида «ўзаро манфаатли» ҳамкорликнинг биринчи босқичи тугайди. Олдинда уларни янада ёирик, янада катта ишлар кутади.

2001 йил 10 январда «Муборак газни қайта ишлаш заводи» ва «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг «Ишлаб чиқаришни техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси» ўртасида қурилиш-таъмирлаш ишларида фойдаланиш учун товар-моддий бойликлар олиш тўғрисида 9 млрд. 350 млн. сўмлик шартнома имзоланади. Унинг ижросини таъминлаш ишига Б.Ҳамдамов бошчилигидаги жиноий гуруҳ ҳам бошқўшади. Т.Муҳаммадиев, Б.Бўриевларнинг қаторига корхона бош ҳисобчиси Э.Жўраев ҳам қўшилади. Бу ишга гуруҳ аъзолари пухта ҳозирлик кўриб, амалга оширилиши керак бўлган режаларни олдиндан белгилаб оладилар. Шунга кўра, жиноий гуруҳ «Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг қатъий ҳисобида турувчи ҳужжатлари, штамплари, муҳри ва бланкаларини эгаллаб, уларга сохта маълумотлар киритадилар. Жумладан, ҳужжатларни жиноий шериклари М.Каримов, Ш.Ходжаев, Ж.Фахреевлар номига расмийлаштириб, гўёки уларни «Муборак газни қайта ишлаш заводи»нинг вакиллари сифатида кўрсатиб, корхонада рўйхатдан ўтмаган сохта ишонч қоғозлари орқали алдаш ва суиистеъмол қилиш йўли билан жуда кўп миқдордаги ўзганинг мулкини қўлга киритиб, тергов даврида аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, талон-тарож қилганлар.

Юқорида номлари кўрсатилган жиноий гуруҳ аъзолари «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг «Ишлаб чиқаришни техник таъминлаш ва бутлаш бошқармасига» қарашли Андижон ва Тошкент шаҳарларидаги базалари ҳамда Наманган вилоятининг Поп туманида жойлашган «Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари» корхонасидан 2001 йил мобайнида сохта ҳужжатлар асосида 257.011.125 сўмлик товар-моддий бойликларни олиб, «Муборак газни қайта ишлаш заводи»га кирим қилмасдан, бошқа шахсларга сотиб юбориб талон-тарож қилганлар.

Жумладан, Б.Ҳамдамов бошчилигидаги жиноий гуруҳ М.Каримов номига расмийлаштирилган №1056 рақамли сохта ишонч қоғозини 2001 йил 10 октябрь куни «Ишлаб чиқаришни техник таъминлаш ва бутлаш бошқармаси»нинг Асака шаҳридаги базасига тақдим этишиб, ушбу базанинг №1505 сонли «ҳисоб-варақ-фактура»си орқали 6 номдаги умумий суммаси 60.023.172 сўмлик товар-моддий бойликларни қўлга киритиб, номаълум шахсларга сотиб юборганлар.

Халқимизда кўза кунда эмас, кунида синади, деган гап бор. Охир-оқибат жиноий гуруҳнинг фаолияти фош этилиб, уларнинг кирдикорларига нуқта қўйилди. Олиб борилган тергов ҳаракатлари якунланиб, жиноят иши айблов хулосаси билан судга юборилди. Тергов давомида давлатга етказилган 257.011.125 сўмлик зарар тўлиқ ундириб олинди.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти судининг 2003 йил 24 январда бўлиб ўтган суд мажлисида Б.Ҳамдамов ва бошқаларга тегишли жиноят иши кўриб чиқилди. Судланувчилар Б.Ҳамдамов, Т.Муҳамадиев ва Б.Бўриевлар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар. М.Каримов, Э.Жўраев, Б.Рустамовларнинг ҳаракатларига ҳам суд қонуний баҳо берди.

Б.МАМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жиноятларни тергов қилиш бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

MENING NAFSIM BALODUR...

СОАТ 21.30 ДА...



— Ҳой келин, бўлақолмайсизми тезроқ! Шом кирай деб қолди-ку! Бу «иминина»лариям бор бўлсин. Бунақада қачон борамизу қачон келамиз.

— Ҳозир ойижон, мана чиқаяпмиз.

Машкура шундай дея болаларини ҳовлига чиқариб, хонага яна бир қур назар ташлади. Бирор жойга кетиш олдидан уйни кўздан кечириш унга болаликдан одат. «Ҳаммаси жойида». У шундай ўй билан эшикни қулфлади-да, ташқарига йўл олди. Бу пайтда соат кечки тўққизга яқинлашиб қолган эди. Улар меҳмондорчиликдан тунги ўн иккиларда қайтишди. Бу пайтда куни билан чопқиллашиб чарчаган болаларни уйқу элта бошлаган эди. Машкура уларни дарров жойларига ётқиздида, ўзи ҳам уларнинг ёнига чўзилди. «Ёзнинг зап гашти бор-да. Қўлинг турли хил йиғину тўй-ҳашамлардан бўшамайди. Мана эртага ҳам тўйга бориш керак». У шундай хаёллар оғушида ётаркан, зум ўтмай донг қотиб ухлаб қолди.

Аброр(исмлар ўзгартирилган) ишга берилиб кетганидан, тушлик вақти бўлганлигини ҳам сезмабди. Энди ўрнидан кўзғалган ҳам эди, телефон жиринглади. Гўшакни олар экан, у томондан хотинининг йиғи аралаш, саросимали овози қулоғига чалинди-ю, бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Сўнгра, шоша-пиша:
— Ҳа, нима гап, тинчликми? — дея олди базўр.
— Адаси... ҳалиги... тез уйга етиб келинг...
— Нима бўлди, гапира қолсангчи тезроқ!
— Уйимизга... уйимизга ўғри тушибди!

Эртаси куни тушликка яқин уйдаги юмушларини қилиб бўлган Машкура тўйга бориш учун отлана бошлади. Кўчалик кийимларини кийгач, тақинчоқларини олиш учун ётоқхонадаги сейфнинг эшигини очдию кўзларига ишонмади. Бирданига қўл-оёғи бўшашиб, тили айланмай қолди. Сейф бўм-бўш эди. У шу аҳволда қанча турди билмайди. Бир маҳал ўзига келди-ю қайнонасининг олдига югурди.

— Ойижон, шўримиз қуриб қолди, ойижон! Уйимизни ўғри урибди...

* * *

Аброр уйига қандай етиб келди, билмайди. У уйга киргандан сўнг Машкурадан бу ҳолатни қачон аниқлаганини сўрадию ИИБга қўнғироқ қилди. Бироздан кейин етиб келган милиция ходимлари тезда ишга киришдилар. Маълум бўлишича сейфдан 6500 АҚШ доллари, 4000 сўм пул, бир қанча тилла зирагу узуклар ҳамда турли хил тилла тақинчоқлар йўқолган. Бундан ташқари столнинг устида турган видеомагнитафон, шкафдаги автомагнитафонлар билан бирга бир четдаги автомонитор ҳам ўғриларнинг назаридан четда қолмаган...

Орадан ярим йил ўтар-ўтмас олиб борилган суриштирув ишлари ўз натижасини берди. Гумондор тариқасида суриштирилаётган Бобур Салимов дастлабки терговдаёқ бор гапни айтиб берди.

* * *

Бобур бу ҳонадонни анчадан буён кузатиб юрар, аксига олиб уй ҳеч ёлғиз қолмасди. Мана бугун омади келганга ўхшайди. Уй эгалари кеч кириб қолганига қарамай қаёққадир йўл олишди. Доимо болаларнинг ғала-ғовури тинмайдиган ҳовлига жим-житлик чўкди. Бобур уй эгалари кетганидан кейин ҳам ярим соатча ҳовли атрофида айланиб юргач, секин деворга яқинлашди. Яқин-атрофда ҳеч ким йўқлигига кўзи етгач, деворга тирмашди. Ҳовлига тушган заҳоти тўғри уйга кирмоқчи бўлди. Қараса эшик қулф. Айвондаги деразанинг ойнасини амаллаб кўчиргач, ўзини ичкарига урди. Хоналарни кўздан кечирар экан, тузукроқ нарса учрамади. Сўнгра ётоқхонага ўтди. Бу ер қоронғи бўлгани боис, кўзи аввалига ҳеч нарсани илғамади. Бироқ, орадан икки-уч дақиқа ўтгач, кўзи қоронғуликка кўникиб, бир четда турган темир сейфни кўрди.

«Уйидаки сейф турибдими, демак бир гап бор. Янглишмабман». Бобур шундай хаёллар билан сейфнинг эшигини тортиб кўрди. Қулф. Шундан сўнг бирор нарса топиш илинжида хона бўйлаб тимирскилана бошлади. Бир маҳал қўлига калитлар шодаси илиниб қолди. Омадини қарангки, калитларнинг биттаси сейфнинг қулфига тўғри келиб турибди. Эшикни очдию хурсандлигидан қийқириб юборай деди. Сўнгра шоша-пиша сейфнинг ичидаги бор нарсани сумкасига тиқа бошлади. Доллар билан пулларни ички чўнтагига солди. Сейфни бўшатгач, қараса сумкаси ҳали тўлмаган. Зумда видеомагнитафон, автомагнитафонлару автомонитор ҳам сумкадан жой олди. Бобур ҳовлига қандай тушган бўлса, худди шу йўл билан орқасига қайтди. Аксига олиб уйдан чиқаётганида эҳтиётсизлик қилдими, автомагнитафон синиб қолди. Уни йўлдаги ахлат қутисига ирғитишга тўғри келди. Уйига етиб келгач топган «бисот»ини ертўлага яшириб қўйди. Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтгач, ўзининг таъбири билан айтганда «излар босилгач», Олой бозорига бориб, тилла тақинчоқларнинг бир қисмини арзимаган пулга сотиб юборди. Бу пулларни тез кунда ишлатиб бўлгач, навбат долларга келди. Тез кунда 1300 доллар ҳам жойини топиб кетди...

* * *

Бобур қўлга олингач, ўмарган бойликларининг ишлатилмай қолган қисмини битта қолдирмай қайтариб берди. Ушбу ишни кўриб чиқкан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман суди Бобур Салимовни ЖКнинг тегишли моддаси билан айбдор деб топиб, уни саккиз йилга озодликдан маҳрум қилди. Аммо, Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги фармонига кўра унга тайинланган жазо тўртдан бирига қисқартирилди.

Отабек ФУЗАИЛОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

YOSH TERGOVCHILARGA YORDAM

ҚАЛБАКИ ПУЛ

Пул қачон пайдо бўлганлиги маълум эмас. Аммо шуниси аниқки, қалбаки пул муаммосининг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Қадимдан сохта пул ясовчилар турли жазоларга гирифтор қилинган, ҳатто қатл этилган. Лекин жиноятчиликнинг бу тури ҳамон учраб турибди. Бунинг ижтимоий хавфи шундаки, қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш ва ўтказиш билан шуғулланадиган шахс давлатнинг пул-кредит тизимини издан чиқаради, инфляциянинг ривожланишига ёрдам беради. Бундан ташқари, мазкур жиноятни содир этишда давлатнинг пул чиқариш ва муомалага киритишдан иборат ҳуқуқи бузилади.

Мазкур жиноятнинг хавфлилиги ясалган пулнинг миқдори билангина эмас, балки унинг сифати билан ҳам белгиланади. Ўз вақтида аниқланмаган битта қалбаки банкнот ҳақиқий пул кўринишида юз марта муомалада бўлса, бир мартадан муомалада бўлган юзта қалбаки банкнотнинг зарарини келтиради.

Қалбаки қоғоз пул белгиларининг ясалиши жуда мураккаб жараён бўлиб, фойдаланилган ускуналар қанчалик такомиллашган, қалбаки пул тайёрлаш усули ҳақиқий пулни тайёрлаш усулига қанчалик яқин бўлса, уни фош этиш шунчалик қийин бўлади.



Портрет атрофидаги микромуҳр

Рангли толалар

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тасвирлаш сифатининг тегишли даражадалиги ва зарурий атрибутларнинг бўлиши таъминланганда пулни ясаш усулининг ўзи содир этилган қилмишнинг квалификациясига таъсир этмайди. Бироқ тергов чоғида мазкур усул аниқланиши лозим. У жиноятчининг керакли материал, мослама ва шу кабиларни сотиб олиш жойини аниқлашга ёрдам беради.

Шу пайтгача мутахассислар кўпинча фотоусулда, сурат чизиш, оддий полиграфия ускуналаридан ёки қўлда ясалган шаклларидан фойдаланган ҳолда ясалган пулларни текширардилар. Сўнгги йилларда эса қалбаки пулларнинг кўпчилигини рангли ксероксларда, лазерли принтерларда тайёрланган нусхалар ташкил этмоқда. Ҳужжатларни техник-криминалистик экспертизадан ўтказишда кичик полиграфия ускуналарида тайёрланган қалбаки пул, қимматли қоғоз ва ҳужжатларнинг бланкларини текшириш кўпинча муайян қийинчиликлар туғдиради.

Бунинг сабаби, биринчидан, қўлланадиган воситалар ва фойдаланиладиган материалларнинг хилма-хиллигида, иккинчидан, ҳақиқий пулни ишлаб чиқариш технологиясининг асослари, қўлланадиган махсус ҳимоя воситалари тўғрисида тўла маълумотларнинг, нусха кўчирувчи аппаратларнинг конструктив хусусиятлари ва уларда тайёрланган нусхаларнинг хоссалари ҳақида ахборотнинг йўқлигидан иборат.

Қоғоз қисмига турли воситалар ёрдамида пул кўриниши бериладиган тўлиқ қалбакилаштиришни банкнотга каттароқ қиймат беришдан ёки давлатнинг қимматли қоғозидаги серия ёки рақамни ўзгартиришдан иборат қайта ишлашни фарқлаш керак.

Тўла қалбакилаштириш усулларига пул суратини чизиш, полиграфия технологияларидан фойдаланган ҳолда пул ясаш, фотонусха олиш ва бошқалар киради. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозир қалбаки пулларнинг тахминан ўнтадан тўққизтаси нусха кўпайтирувчи техника ёрдамида тайёрланади.

Қалбаки пул қанчалик маҳорат билан ясалган бўлса, уни аниқлаш шунчалик мураккаб бўлади.

Қўлингиздаги пулнинг ҳақиқий ёки қалбаки эканлигини аниқлаш учун қуйидагиларга эътибор беринг. Қалбаки пулнинг: барча элементлари умумий ранг ва нуқтали тузилишга эга; қоғознинг бутун юзаси бўйича алоҳида-алоҳида нуқталар кўринишидаги ортиқча бўёқ мавжуд бўлади; чизиқларнинг ташқи чеккаси аниқ ва текис бўлмайди; намланганда қоғоз ёпишқоқ бўлиб қолади; букилганда қоғоз синади; ёзув асбоби ёки



Нақш элементи

Банкнотдаги нақш

Юлдузчалар

Муҳр четидаги тишчалар

босма қурилма изи мавжуд бўлади; катталаштириб кўрилганда тасвирнинг ноаниқлиги сезилади; микроэлементлар бўлмайди.

Қисман қалбакилаштириш ҳақиқий қоғоз пулга ўзгартириш киритишда ифодаланади. Одатда бу ўзгартиришлар пулнинг номинал қийматини ошириш билан боғлиқ бўлади. Унга янги элементлар ёпиштирилади, айрим элементлар рекативлар билан ўчирилади, қоғозлар қаватларга ажратилиб, сўнг турли қийматга эга купюралар қўшилади.

Дарахт танасидаги нуқтали соя

Деталларнинг аниқ структураси

Қалбаки пул ясовчилар кўпинча АҚШ долларини ўзгартирадилар. Турли қийматга эга банкнотлар у ёки бу белгисига кўра бир-бирига ўхшаб кетиши мумкин. Бу эса кичик ўзгартириш киритиб, купюранинг номинал қийматини (масалан, тегишли жойларига нолларни ёпиштириш орқали) ўзгартириш имконини беради.

Пулни тўла ва қисман қалбакилаштириш билан бирга аралаш қалбакилаштириш усули ҳам маълум. Унда ҳақиқий пул қаватларга ажратилади ёки ўртасидан кесилади, сўнг қўлда ясалган қисм ёпиштирилади. Пулни аралаш қалбакилаштириш охирига етказилмаслиги мумкин: қаватларга ажратилган ҳақиқий пулнинг қисмига унга мос қалинликдаги қоғоз ёпиштирилиши мумкин. Бундай ҳолда пулнинг бир томонида тасвирнинг йўқлиги унинг муомалага киритилишига тўсқинлик қилади. Ҳолбуки бундай билетни ўтказиш ҳам мумкин.

Жаҳонда кенг тарқалган қоғоз пулларнинг асосий белгиларига қуйидагилар киради: ўзига хос тўғри тўртбурчакли шакл, икки томонлама босилиши, эмиссияни амалга оширувчи давлат ва органни билдириш, давлат расмий тилининг ишлатилиши, купюра қийматининг рақам ва сўзлар орқали кўп марта такрорланиши, банкнотларда алоҳида рақамли белгининг ва сериянинг мавжудлиги ва бошқалар.

Пулларнинг қалбакилаштиришдан ҳимояланиш даражасини қўтариш

Барча мамлакатларда қалбаки пул ясовчиларга нисбатан энг оғир жазо чоралари назарда тутилган. Масалан, АҚШда бундай шахслар 15 йилгача озодликдан маҳрум этилиши ёки 5 минг доллар жарима тўлаши ёки ҳар икки чора бирданига қўлланилиши мумкин. Данияда бундай жиноятчилар 12 йилга қамалади, Белгияда 15 йилдан 20 йилгача мажбурий меҳнатга жалб қилинади. Бегона валютани қалбакилаштирганлар енгилроқ жазога тортилиши мумкин. Масол учун, Японияда миллий валюта — иенни қалбакиллаштирганлар умрбод мажбурий меҳнатга жалб қилинади. АҚШ долларини қалбакилаштириш эса 2 йил ёки ундан кўпроқ муддатга мажбурий меҳнатга жалб қилишга олиб келади.

стандарт форматнинг бўлиши (А4, А5), бир-бирига ёпиштирилган икки ҳимоя туридан иборат ҳужжат бланкининг фони, ўзига хос босилиш усули.

Пул ва қимматли қоғозларни

AB03483015I

Серия рақами

ҳимоя қилиш усуллари такомиллашиб бормоқда. Ҳимоя элементларининг комбинацияси деярли ҳар қандай кишининг қўлидан келадиган назорат усулларидан ҳам, махсус техник-криминалистик усуллардан фойдаланишни ҳам осонлаштирадиган тарзда қилинган.

Терговчи ва оператив ходим учун жиноятчининг шахсига доир маълумотлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Бундай ахборотни олиш ва таҳлил қилишдаги қийинчиликлар шундан иборатки, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги қалбаки пул ясовчиларнинг шунга ихтисослашган хорижий гуруҳлар билан қўшилиб кетиши юз бермоқда.

Фуқароларнинг аризалари ва корхона, муассаса, ташкилотлар маъмуриятининг қалбаки пул ёки қимматли қоғозни кўрганлиги ёки олганлигига оид хабарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг пулнинг қалбаки эканини бевосита аниқлашлари Ўзбекистон Жиноят кодексининг 176-моддаси бўйича жиноят иши қўзғатиш учун асос бўлади.

Шундай қилиб таъкидлаш зарурки, сохта пул ёки қимматли қоғозни жуда сифатли қилиб тайёрлашгина қалбакилаштириш деб эътироф этилади. Қалбаки купюра ҳақиқийсига ўхшамаслиги аниқ кўриниб турган ва бу унинг пул муомаласида қатнашишини истисно қиладиган ҳолларда, шунингдек, айбдорнинг мақсади чекланган доирадаги шахсларни кўпол тарзда алдаш эканлигидан далолат берувчи бошқа ҳолларда бундай ҳаракатлар фирибгарлик деб квалификация қилиниши мумкин. Ушбу ҳолда фирибгарлик баъзи шахсларнинг эътиборсизлиги ёки билимсизлигидан фойдаланиб содир этилади.

Совет даврининг энг машхур қалбаки пул ясовчиси бир пайтлар бўлгуси бош котиб Горбачёвнинг ҳайдовчиси бўлиб ишлаган Виктор Барановдир. У полиграфияга жиддий қизиқиб қолади. Ҳатто Москвага бориб, ҳафталаб кутубхоналардан чиқмай ўтиради. У бўёқ ва қоғозларни йиғиш, клиша тайёрлашга 12 йил сарф-лайди.Ўзи ажойиб босма станогини ясаб, 1975 йилда 25 ва 50 рубллик банкнотларни боса бошлайди. Мутахассислар айнан мана шу банкнотларни қалбакилаштириш жуда қийин иш деб ҳисоблар эди.

Унинг купюралари юқори сифати билан экспертларни ҳайратга солади. Гознак мутахассислари дастлаб бу пулларни технологияси сал бузилган ўз маҳсулоти деб ҳисоблашади. Улар СССРнинг 68 шаҳрида тарқалганлиги аниқланади. Барановнинг ўзи эса 1977 йили Черкесскдаги колхоз бозорида қўлга тушади. Терговда у икки йил мобайнида қанча пул тайёрлаганини тан олади: 25 рублик 1249 та купюра, 50 рублик 46 та купюра, жами 33545 рубль. Бу ўша даврда жуда катта пул ҳисобланарди. Баранов 12 йилга озодликдан маҳрум этилади. Озодликка чиққач, ҳалол бизнесменга айланади.

Айтишларича, Гознак ҳалигача унинг ихтиросидан фойдаланиб келади.

Одил ХОЛИҚОВ,
Республика Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси ва Тошкент вилояти прокуратураси жамоаси Қуйи Чирчиқ тумани прокурори Аблақул Ҳамраевга волидаи муҳтарамаси **ҚУРБОНГУЛ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

PROKUROR PORTRETIGA CHIZGILAR

Ўзининг 70 ёшини қаршилаётган Турсунқул ака Суюндиқов ўттиз тўққиз йил прокуратура тизимида меҳнат қилди. Йигирма йил турли туманларда прокурор бўлиб ишлади. Аммо, у киши қаерда, қайси вазифада ишламасин доимо қонуннинг, адолатнинг, диёнатнинг этагидан тутди. Бағрикенглик ва шафқат ҳамиша қадрлайдиган фазилатлари бўлди. Адл қоматли, юзларидан ҳали-ҳали навқиронлик нуқси барқ уриб турган, гапнинг дангалини гапирадиган отахон билан суҳбатлашар эканман, у кишининг ибратомуз ҳикояларини тинглаб, бунга яна бир карра амин бўлдим.

ДИЁНАТНИНГ УЗУН ЙЎЛИ

— Камчиликсиз одамнинг ўзи йўқ,—дейди Турсунқул ака.—Беайб парвардигор деб бежиз айтишмайди. Аммо гуноҳ ва гуноҳсизликнинг орасида диёнат, инсоф деган тушунча бор. Бу икки жумла биз ҳуқуқ ҳимоячиларининг доимий иш қуролимиз бўлиши керак. Диёнатдан озгина чекинсангиз, демак сиз инсофдан ҳам айрилласиз. Худога шукр, бутун иш фаолиятим давомида диёнатнинг чегарасини босиб ўтмадим. Чунки тақдир мени сийлади, инсофли, диёнатли одамларга юзма-юз қилди.

60-йиллар эди. Косон туманида терговчи бўлиб ишлайман. Абзалов деган прокуроримиз бўларди. Адолатли, камтар йигит эди. Мен эса ҳали тажрибасиз, ёшман. Шогирдликка таклиф қилар экан ҳитирди:

—Турсунқул ука, ҳамиша нафсингни тий, ўзингни тоза тут, бошқаларнинг олдида тилинг қисиқ бўлмайди.

Ўзи ҳам шу ҳикматга қаттиқ амал қиларди. Прокурорнинг уйи ишхонамизга яқин эди. Бир кун уйига овқатланишга ўтдим. Янгамиз ҳам содда жувон эди. Абзалов уйида йўқ экан. Мени кўриб, у киши шошиб қолди. «Акангиз йўқ эди, унимиз тамом бўлиб қолибди. Нон ҳам ёпа олмадим. Ойлик маош тегса олиб келиб қолар» деди қизариб. Ана сизга инсоф, диёнат. Туманда унинг ҳоки пойига гилам тўшайдиган, хизматини қиладиганлар кам эдими? Лекин устоз иш ҳақи ҳисобига оиласини тебратарди. Воқеа менга таъсир қилди. Қурбонов деган дўстим бўларди, иккимиз уйига бир халта ун олиб бориб бердик. Эртаси куни Абзалов мендан бироз ранжиди.

Яна бир воқеа: ёз ойлари эди шекилли, прокурор бир халта пул кўтариб келди. Кимнингдир шўри қуриди, йўлдан шофёр топиб олибди, деди. Тез суруштиринглар, кимники экан? Суриштириб пулнинг эгасини топдик. Энг йирик хўжалик бўларди, ўшанинг хазиначиси экан. Банкдан ойликни отда олиб келаётганда пулни йўқотиб қўйган. 2-3 кун ўтса ҳам қамалиб кетаман деб ҳеч кимга айтмаган. Абзалов воқеанинг тагига етди, лекин хазиначининг ушлаган ишидан ишқ ўзғамади. Фақат дашном берди. Илк устозларим ана шундай тоза одамлар эди. Косонда Миродил Муротаев деган яна бир устозим бор эди. Прокурормисан, далилларни бўйнингга тумор қилиб осиб юр, дерди. Тартибли ишлашни шу кишидан, хушёрликни, сезгирликни Сирдарёда Исоқов деган устозимдан юқтирганман. Қаерда бўлмасин, тақдир мени яхшиларга йўлиқтирди. Балки, шу сабабли бу соҳада узоқ ишлагандирман.

Ҳаммамизнинг тўғри, нотўғри ишларимизнинг бир ҳисоби бор. Шунинг учун ҳар бир ишни пухта бажарган, қилни қирқ ёрган ҳуқуқ ходимигина панд емайди. Шошма-шошарлик бизнинг соҳага ёт. Бир воқеани айтиб берай. 1976 йиллар бўлса керак. Фориш туманида прокурор бўлиб ишлайман. Бир ошпаз аёлнинг бошини чопиб кетишгани ҳақида хабар келди. Воқеа содир бўлган жойга етиб бордик. Гувоҳларни топдик. Жиноятнинг изи хўжаликнинг бўлим бошқарувчисига бориб тақалаверди. У ошпаз аёл билан дон олишиб юрар экан. Ўлимидан бир кун аввал иккаласининг жанжаллашиб қолишганлигини одамлар кўрган. Эркак, бугун сенинг каллангни олмасам, одам эмасман деб даҳанаки пўписа қилган. Буни кўпчилик эшитган. Гувоҳларнинг аксарияти айбдор бўлим бошқарувчиси, деб кўрсатма беришди. У эса йиғлайди, мен ўлдирганим йўқ, деб қасам ичади. Хуллас, бўлим бошқарувчисини қамоққа олдим. Айблов хулосасини тайёрладим, иш судга оширилиши керак. Шунда, худо кўнглимга, аёлни ўлдирган бўлим бошқарувчиси бўлмаса-чи, деган шубҳани солди. Тепадан гап эшитсам ҳам таваккал қилиб ишни қайтадан кўра бошладим. Ҳар бир воқеани синчиклаб ўргандим. Узоқ изланишдан сўнг қотил хўжалик чўпони бўлиб чиқди. Отаридаги қўйлардан камомад борлигини бўлим бошқарувчиси сезган. У эса аёлга сенинг бошингни оламан, деган пўписасини эшитган ва қасдма-қасд аёлни ўлдирган. Шу йўл билан бўлим бошқарувчисидан қутулмоқчи бўлган.

Инсон тақдири билан ўйнашиб бўлмайди. Прокурорнинг хатоси билан бир оила тугаб кетиши мумкин.

Суҳбатимизни хонага кириб келган Мастура опанинг ҳазил аралаш гапи бўлди:

— Бир пиёла чой ичиб олинглар, акангиз тўрт кун гапирса ҳам чарчамайди.

Юзларидан нур ёғилиб турган ҳокисор, истараси иссиқ онахоннинг ҳам ҳазил, ҳам ярқалик билан айтган бу гапига Турсунқул ака ҳам меҳри товланиб озгина ён бериш қилди:

— Сен нима десанг шу. Кўз очиб кўрганим, бирга ўқиганмиз. Талабалик йилларида бир-биримизга кўнгил қўйиб оила қурганмиз. Худога шукр, етти фарзанд ўстирдик. Барини уйли, жойли қилдик. Ўқитдик. Болаларнинг ҳаммасини Мастуранинг ўзи одам қилди. Мен уйда кам бўлардим. Оиламизнинг бугунги камолида Мастуранинг ўрни катта.

Мен Турсунқул ака билан Мастура опанинг бир-бирига бўлган меҳрини кўриб, ҳавасим келди. Шундай бир-бирига эътиқоди мустаҳкам отахонларимиз ва онахонларимиз дунёни ушлаб турибди деган фикр хаёлимдан ўтди. Уларга кексалик гаштини тиладим. Диёнатнинг йўли ҳамиша узун бўлсин, дедим.

Бир гуруҳ шогирдлари номидан Р.МУҲИТДИНОВ

UCHRASHUV

Мирзабек ХОЛМЕДОВ:

ГАПНИ КЎТАРИШ ОҒИР

— Мирзабек ака, сўз устасининг елкасида қандай «юк» бор?

— Дунёда энг оғир нарса — гап. Ана шу гапни кўтариш оғир.

— «Мирзо» театрига қўшилишни истаб бирортаси келса, қабул қиласизларми?

— Юрагимиз «жиз» этса.

— Юрагингизни «жизиллатиш» осон бўлмаса керак?

— Албатта. Бу юрак унча-бунчага жизилламайди.

— «Коса таги ним коса» деган гап бор. Биз буни сизнинг кўплаб чиқишларингизда кўраяпмиз. Айтинг-чи, бу ҳаммага ҳам етиб бораяптими?

— Афсуски, йўқ.

— Етиб борши учун нима қилиш керак?

— Ғапиришда давом этиш керак.

— Концерт дастурингиздан кейинги танқидий фикрларни қандай қабул қиласиз?

— Ҳар бир концертимиздан кейин танқидий фикрлар ҳам бўлади, албатта. Сўнг уларни сарагини саракка, пучагини пучакка ажратамиз.

— Қизиқчиликни масхарабозлик деб тушунадиганлар ҳам бор, улардан хафа бўлмайсизми?

— Йўқ, қизиқчилик билан масхарабозлик бир-бирига яқин нарса. Айни пайтда қилаётган ишимиз ҳам масхаралаш бўлиб қолди. Ҳеч ҳам хафа бўлмайман.

— Мирзабек Холмедов оилада қандай инсон?

— Жиддий. Фарзандларим учун меҳрибон ота, волидаи муҳтарамамиз учун ширинсўз ўғил бўлишга ҳаракат қиламан.

— Сўзга усталик сизга кимдан «юққан»?

— Бу Аллоҳнинг иши. Қолаверса, онам ҳам гапга чечан аёллар.

— Баъзида бир нарсага эришиш учун иккинчисидан воз кечишга тўғри келади. Сизда бу ҳол қандай бўлади?

— Ичишни ташлаганимга роппа-роса бир йил бўлганида Америкада 11 сентябрь воқеалари рўй берди. Шунда олдинроқ ташласам бўларкан деб ўйлаб қолдим. Кўзимиз олдинроқ очилармиди...

— Фарзандларингиз орасида отаси изидан боришга аҳд қилганлари ҳам борми?

— Аллоҳга шукр, уч ўғил, бир қизим бор. Санъаткор бўлишни орзу қилишса, ихтиёрлари.

— Сиздан интервью олиш жуда қийин дейишди. Нега интервью беришдан бош тортасиз? Гапдан қочасизми?

— Йўқ, гапдан қочмайман.

— Бўлмаса, нима учун?

— Мен ҳамиша ўз-ўзимга савол бериб яшайман. Шундан кейин нима ўзгаради деган шиорга амал қиламан.

— Нима учун «Мирзо» театр-студияси актёрлари бирга-ликда гастролга чиқишмайди?

— Ҳар қайсисининг ўз мухлиси, ўз йўли, услуби, йўналиши, қолаверса, ўз тирикчилиги бор.

«Мирзо» — «мазза» эмас, маҳоратли, истеъдодли, роса завқли одамлар дегани. Буни бизга сўз устаси Валижон Шамшиев айтганди. Аммо ҳозир гап Вали ҳақида эмас, «Мирзо» театр-студияси актёрлари ҳусусида боради. Ушбу студия номи тилга олиниши билан кўз ўнгингизда уч нафар сўз устаси гавдаланади: Мирзабек Холмедов, Валижон Шамшиев ва Шукрулло Исроилов.

Мухлисларга хуш кайфият улашувчи санъаткорлар суҳбатини эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик. Улар ҳаётда ҳам саҳнадаги каби қувноқ инсонларми-йўқми, буни уларнинг саволларимизга берган жавобидан билиб оласиз.

Шукрулло ИСРОИЛОВ:

МЕНИ КУЛДИРИШ ҚИЙИН

— Америкада ким кўп овқат ейиш бўйича ўтказилган танловда иштирок этишингиз ҳақидаги гап-сўзлар қулоғимизга чалинган эди. Қатнашдингизми?

— Албатта, қатнашганда қандоқ. Танлов ёзда бўлганди. Шундай бордим, қатнашдим, америкаликларнинг оғзини очириб 1-ўринни олиб келдим.

— Кинофильмларда кўринмайсиз. Суратга тушишни, роль ўйнашни ёқтирмайсиз шекилли?

— Нега энди?! Ёқтираман, фақат мен Голливудга кетмоқчиман. Эдди Мерфининг шахсан ўзи билан бирга роль ўйнамоқчиман.

— Сиз томошабинни осонгина кулдира оласиз. Сизничи, кулдириш осонми?

— Мен унча-мунчага кулмайдиган одамман (жиддий деса ҳам бўлаверади). Мени кулдириш жуда қийин.

— Саҳнада ижро этадиган ҳангомаларни сизга биров ёзиб берадими ёки ўзингиз ижод қиласизми?

— Кўпинча ўзим ёзаман. Баъзида эса Фарҳод Саидов деган шогирдимнинг ёзганлари менга маъқул келади. Бирга ижод қиламиз.

— Қайси таомни кўпроқ хуш кўрасиз?

— Очлигимда ҳаммаси ҳам мазалидек кетаверади. Лекин паловни катта иштаҳа билан ейман.

— Ҳеч озишга ҳаракат қилиб кўрганмисиз?

— Асло! Шу туришим, кўринишим ўзимга жуда ёқади. Озишни хаёлимга ҳам келтирмайман.

— Баҳор кишиларга бошқача таъсир қилади дейишади. Сиз қайси фаслни ёқтирасиз?

— Менга барибир, ҳаммасини бирдек кўраман. Шундай бўлса ҳам мухлисларимга баҳорий кайфият тилайман.

Валижон ШАМШИЕВ:

БИЗНИ САНЪАТ ТАНИШТИРГАН

— Суҳбатимизни «Мирзо» театр-студияси ҳақидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Бу студиянинг аниқ бир манзили ёки биноси йўқ. Фақат Мирзабек Холмедов раҳбарлигида бирикиб, бирга ижод қиламиз.

— Ораларингда энг «зўр»и ким деб ўйлайсиз?

— «Устоз отангдай улуғ» дейдилар. Мирзабек акани барчамиз ўзимизга устоз деб биламиз.

— У киши билан қандай танишгансиз?

— Бизни санъат таништирган.

— Қизиқчилик қилиш учун ҳам тайёргарлик кўрасизми?

— Биласизми, мен туни билан ухламайман. Ижод қиламан, шеърлар ёзаман. Мана, бир шеъримдан парча:

Муҳаббат — талпинган дилнинг камоли,
Муҳаббат — ошиқ лаб, тилларнинг боли,
Муҳаббат — ардоқлаб ёғиз ёрини
Ватанин севолган юрагнинг ёли.

— Дарвоқе, муҳаббатдан сўз очилганда сўрасак: Эркин Комиловнинг қизига уйланганингиз тасодифми ёки...

— Талабалигимда у кишини ўзимга устоз деб билиб, уйларига бориб турардим. Аммо қизларига бирор марта бошқача назар билан қараган эмасман. Бир куни... Тўртинчи қизларига совчи келаётганини эшитдиму ғалати аҳволга тушдим. Менинг ҳолатим олдида ҳинд киноактёрлари ҳам ҳеч гап бўлмай қолди: уф тортаман, ўтираман, тураман, ётаман — уйқу йўқ... Охири шартакилигим тутиб бўлажак қайнонамга қўнғироқ қилдим.

— Ота-онангиз бу қарорингизни қандай қабул қилишди?

— Отамга «Эркин Комилов билан қуда бўлмайсизми?» десам «бефон ёзса, бўламан» дедилар.

— «Қайтмас»даги қаҳрамонингиз ўзингизга ўхшайдими?

— У ҳам, мен ҳам қишлоқдан шаҳарга омадини, бахтини излаб келиб топган йигитлармиз.

— Мирзабек ака ҳам, Обид Асомов ҳам, Шукрулло Исроилов ҳам қўшиқ айтди. Сиз «ёлғиз»сиз?

— Менда овоз йўқ.

— Бугун овоз муҳим бўлмай қолди, шекилли...

— Унда аввал тез югуришни ўрганиб олишим керак. Кейин қўшиқ айтаман.

— Нима учун?

— Томошабинлар фонограмма билан айтаётганимда тошбўрон қилишни бошлашлари билан қочиб қолиш учун.

— Бугун анчайин машҳурсиз. Машҳурликнинг яхши-ёмон томонлари нимада?

— Қаерга бормай, ўз яқинидек кутиб олишади. Бемалол гапириб, ҳазил-ҳузул қилиб кетаверишади. Бу яхши томонларидан бири. Ёмони ҳақида эса яхшиси гапирмайлик.

Суҳбатларни С.ҲАЙИТБОЕВА уюштирган

HUQUQ
yuridik gazeta

Ta'sischilar:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi, Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari, «Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahriddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Dilshod ISLOMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (mas'ul kotib), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.
Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 470. 17110 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Navbatchi: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Gazetaning ro'yxatdan o'tish tartibi: N 023. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 18.30. 1 2 3 4 5 7 8